O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 27-sentyabr, chorshanba * № 39 (1050) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www hurriyat.uz

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 72-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди, БМТнинг расмий сайти (un.org), шунингдек, sputniknews-uz.com, rt.com, currenttime.tv ва бошқа порталларда онлайн тарзда эфирга узатилди.

➪ 5-бет

### ҲОЗИРЧА “ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ”

**шохобчаси жойлашган бинони сотиб юборишди...**

Ҳамма гап, тўққиз маҳалланинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлган, салкам ўттиз мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқдаги Назарбек “Тез тиббий ёрдам” шохобчаси жойлашган бинонинг кимошди савдоси орқали 143,0 миллион сўмга сотиб юборилганидан бошланди.

➪ 6-бет

### МЕҲРИ ДАРЁ УСТОЗЛАР

— Фильм, оляпмиз, фильм! Кўрган нима дейди? Танбеҳни кейинроққа қолдириб... табассум қилсангиз. Илтимос!

— Табассум қилайми? Манави ландовур қон қилиб юборяпти-ю, кулайми сен фильм оляпсан, деб? Мен сенга артистмидим ё масхарабозми? Йиғиштир ашқол-дашқолингни!

➪ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18-20 сентябрь кунлари Америка Қўшма Штатларида бўлди. Давлатимиз раҳбари 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади.

✓ Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни АҚШга ташрифи билан қутлади. Мазкур табрик мактуби давлатимиз раҳбари шарафига шу йил 21 сентябрь куни ташкил этилган Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтказилган қабул маросимида ўқиб эшиттирилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мексикада содир бўлган вайронкор ер силкиниши оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани ва жабрлангани муносабати билан Мексика Қўшма Штатлари Президенти Энрике Пенья Ньетога ҳамдардлик билдирди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихановни ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг топшириғига биноан мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазири Александр Ткачевни қабул қилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ОАВда эълон қилинди.

# Соҳибқирон издошлари






Шолазиз ШОХИДОЕВ олган суратлар

## ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ШАРАФ

Қадим замонда бир юртга ғаним бостириб келади. Тўсатдан келган ёвга қарши жанг қилиб, беҳуда қон тўкишни истамаган ушбу мамлакат подшоҳи сулҳ тузиш ҳаракатини қилади. Душман томон суюкли отини сўраса ҳам, севган ёрини беришини шарт қилса ҳам кўнади. Аммо учинчи маротаба унга тегишли ерларни сўраган ёвга қарши: “Ватанимнинг бир қарич ерини ҳам сенларга бермайман”, дея жанг майдонига чиқади...

Дарҳақиқат, эр киши учун Ватан ҳимоясидан бўлак юксак шараф йўқ. Йигитга энг ярашиқли касбкор ҳам юрт истиқболи йўлида жон куйдириш, халқи ва оиласи тинчлигини муҳофаза этишдир. Бу йўлда собитқадам бўлиб, керак бўлса, жонини фидо қилиб юртимизни ёмон кўзлардан асраганлар қанча. Бугун уларнинг номи ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Авлодларга ўрнак қилиб кўрсатилади. Шубҳа йўққи, улар ҳам мурғаклигида буюк бобокалонларига, ботир аждодларига ҳавас қилган, улардек бўлишни орзу қилган.

Амир Темур, Темур Малигу Жалолиддин Мангуберди, Бобурдек жасур аждодларларнинг муносиб ворислари бўлиш бугун бизнинг олдимизда турган шарафли, ғурурли вазифадир. Айтиш жоизки, ўлмас сиймоларимиз номини абадийлаштириш, улар меросини ўрганиб, келажак авлодга муносиб тарзда етказишда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Президентимизнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш” тўғрисидаги фармонига асосан буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик фазилатларини ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига (4 та вилоятдаги) “**Темурбеклар мактаби**” номи берилди.

Кўпчиликни бундай номланиш қизиқтиргани ҳам рост. Изоҳни эса қуйидагича билдирамиз: Соҳибқирон Амир Темур нафақат буюк давлат арбоби ва саркарда, балки ўз даврида адолатни, илм-фан ва маданиятни юқори даражага кўтарган, бунёдкор ва марказлашган давлат асосчиси ҳам бўлган. “Темур тузуклари” асари эса бугунги кунда ҳам ёшларимизга ўз ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий маҳорати ва санъати билан яқиндан таништириш имкониятини бермоқда. Бобокалонимиз тузуклари давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим, вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш каби тадбирлардан бизни воқиф этади. Булар эса ўз даврида юксак маданий ва ҳуқуқий даражада шаклланган миллий давлатчиликдан далолат беради. Амир Темур сиёсатининг асос-моҳияти адолатли давлат, инсонпарвар жамият негизларини қарор топтиришга хизмат қилади. Унинг қуйидаги хулосалари ҳам сўзимизнинг тасдиғидир: *“...ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим, ҳийла ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф — эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим».*

3-бет

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ДУНЁДАГИ ЭНГ УЛУҒ ВА ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИДИР




*Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.*

*Муаллим! Софдил, камтарин, маънан бой, ахлоқан пок инсондир у! Мурғак қалбларга яхшилик уруғини сочиб, зиё олами сари етакловчи йўлбошчидир у! Жажжи қўлларга қалам тутқазиб, “ота”, “она”, “Ватан”, “эзгулик”, “бахт”, “саодат” каби сўзларни ёзишга ўргатган буюк зотдир у!*

*Улар зиммасига ҳаёт талабларига тўла жавоб берадиган ва ўз замонига муносиб кишиларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа юклатилган. Қуёш ўз нури билан бутун табиат, борлиқни жонлантиргани каби муаллим ҳам бор маҳорати, илми билан ўқувчи-ёшлар қалбини илм зиёси билан тўлдиради.*

*Улар бераётган пухта билим ва ибратли тарбия ҳаёт бўсағасида турган ўғил-қизларнинг ватанпарвар ҳамда ахлоқи гўзал инсонлар бўлишида беқиёс ўрин тутади. Зеро, Абдураҳмон Жомий айтганидек, “Ус*тоз-муаллимсиз қолганда замон, нодонликдан қаро бўларди замон”.

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН




# САМИМИЯТ ДИЁРИ

Осмондан қараганда шаҳар гулдор рўмол ёпиниб, уйқуга кетганга ўхшарди. Тун ўз либосини бизнинг нигоҳларимиздан гўзалликни рашк қилиб парда қилган эди гўё. Самолёт пастлай борган сари ойдин ва равон кўчалар, уларда ғизиллаб елиб бораётган машиналар кўзга ташлана бошлайди.

Нукус ўзига хос мафтункорлиги билан меҳмонларни қарши олди. Уч қаватли шинам кошона-меҳмонхонада мезбон бизларга мамнун пешвоз чиқди. Қадам қўйишданоқ янги давр руҳини ҳис этмаслик мумкин эмасди. Ҳаммаси – ўриндиқлар, емакхона, йўлаклардаги ашёлар дунё мезонлари даражасидаги ҳотел, мотел, тотеллар сингари расамади қилинган, хоналар ўз таровати билан кишига хуш кайфият улашади.

2-бет

# Соҳибқирон издошлари

Бошланиши 1-бетда

Ана шундай буюк саркардага муносиб ворисларни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилган ҳарбий мактаблардан бири — Тошкент Темурбеклар мактабидир.

Тошкент Темурбеклар мактабига умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган, соғлом, дастлабки, ҳарбий-касбий танлов ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган Ўзбекистон Республикаси ёшлари, яъни ўғил болалар ўқишга қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган, унга нисбатан жиноий иш ва дастлабки тергов-суриштириш ишлари юритилаётган ёки судда жиноий иши кўриб чиқилаётган, жазо чоралари ёки амнистия қўлланилишидан қатъи назар жиноят содир этилгани сабабли айблов эълон қилинган, яшаш жойидан ёки ички ишлар бўлимларидан у ҳақида салбий тавсияномалар тақдим этилган ўқувчиларга кириш имтиҳонларида қатнашишга рухсат этилмайди.

— Мактабимизга ҳар йили 150 га яқин ўқувчи қабул қилинади ва улар ҳарбий кийим-бош, турар-жой билан таъминланади, — дейди взвод командири, майор Баҳодир Ортиқов. — Айни кунда муассасамизда 450 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўқув масканига билимдон педагоглар, ҳарбий хизматчилар ҳам қатъий талаблар асосида ишга қабул қилинади. Тегишли маълумотга, юксак ахлоқий-руҳий сифатларга эга номзодлар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Ҳарбий хизматчилар эса маънавий-маърифий ва жанговар тайёргарликдан юқори натижаларни қўлга киритган, қўшинларда камида 10 йил тажриба орттирган, педагог, психолог ёки юридик олий маълумотга эга бўлиши лозим.



Ўқувчилар қатъий кун тартиби асосида илм оладилар. Эрталабки соат олтида уйғонган ўқувчилар бадантарбия, ювиниш, саф кўриги (гуруҳ командирлари томонидан дарсга тайёргарликлари ва ташқи кўринишлари кўздан кечирилади), нонуштадан сўнг ўқув машғулотларига йўл олишади. Дарвоқе, бу ерда уларнинг овқатланиш тартибига алоҳида эътибор берилади.

— Ўқувчиларнинг кунлик овқатланиш рациони 5100 ккалга тенг, — дейди мактаб ошпази Тоҳир Султонов. — Мактабимизда биринчи курслар учун алоҳида, иккинчи ва учинчи курслар учун алоҳида иккита ошхона бўлиб, бу ерда ҳар куни 4 маҳал (биринчи ва иккинчи нонушта, тушлик ва кечки) дастурхон ёзилади.

Ўқув режа асосида кунлик машғулотларни якунлаган ўқувчилар гуруҳ командирлари назоратида мустақил машғулотларга йўналтириладилар. Ёшларни ўқишдан чалғитмаслиги учун мактаб ҳудудида телефондан фойдаланиш таъқиқланган. Уларнинг ота-оналари ҳам гуруҳ раҳбарлари орқали фарзандларидан ҳол-аҳвол сўраб туришади.

— Очиғи, бу даргоҳга энди келган кезларим мослашиш анча қийин бўлди. Чунки уйдагидек истаганда ётиб, хоҳлаганда туролмайсан. Вақтингни беҳуда ўтказиб, хоҳлаганда телевизор кўриб, телефон ишлатолмайсан, — дейди 2-босқич ўқувчиси сирдарёлик Жаҳонгир Жумабоев. — Ҳозир кун тартиби асосида ҳаракат қилишга ўргандим. Режаланган вақт унумли эканини англадим, қатъиятли, масъулиятли, журъатли бўлишни ўргандим.

Ёш курсантларнинг соғлиги ҳам доимо назорат остида. Шифокор Моҳира опанинг айтишича, ўқувчилар ҳар йили ёзги ва қишги таътилдан сўнг умумий тиббий кўрикдан ўтказилади. Одатда, бу каби ўқув масканларида юқумли касалликка чалинганлар кузатилмайди. Агар ўқувчилар лор ёки кўричак касалликлари билан оғриса, бир ойдан уч ойгача жисмоний машғулотлардан озод этилади (дарс жараёнларига қатнашади) ҳамда шифокор назоратида бўлади.



Ўқув биносини кузатаркансиз, унда кўргазмали материаллар, методик воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналарини кўрасиз. Тир хонасида курсантларга автоматдан отиш, жанг санъати ҳақида назарий ва амалий билимлар берилса, инглиз тили, рус тили хоналарида тилни мукаммал ўрганиш учун шарт-шароитлар муҳайё.

Жорий ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар уч йил эмас, икки йил мобайнида ўқитиладилар ва шу давр ичида педагоглар, ҳарбий хизматчилар зарур барча билимларни пухта ўргатишади.

Тошкент Темурбеклар мактабига малакали ўқитувчи педагогларни жалб этган ҳолда Амир Темурнинг мардлиги, ташкилотчилик қобилияти ва стратегик тафаккури, кўп сонли ғалабалари, бунёдкорлик ишлари, бетакрор шахсий фазилатларини кенг тадқиқ этишга қаратилган ўқув-услубий, илмий, бадиий адабиётлар, методик қўлланмаларни тўплаш, тайёрлаш, шу йўналишда АРМ фондини янада бойитиш ва мазкур адабиётлардан таълим жараёнида кенг фойдаланиш йўлга қўйиляпти.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар ва педагог устозлар ўқув гуруҳларини режа асосида Амир Темур ва темурийлар тарихи давлат музейига олиб боришади. Уларнинг бўш вақтлари ҳам бобомизнинг бизга қолдирган бой меросини ўрганиш, ўгит ва сабоқларини эгаллашга қаратилган. Чунки булар ҳақида бохабар қилмасдан туриб, Соҳибқиронга муносиб ворисларни тарбиялаш имконсиз.

**Қамбарали АЗИЗОВ,**
**подполковник,**
**Тошкент Темурбеклар мактаби директори ўринбосари,**

**Гўзал МАЛИКОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

**СОЛИҚ ПОЧТАСИДАН**

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, республикани иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш муҳим аҳамият касб этади.

# Назорат-касса машинаси чекини олишни унутманг

Шунга кўра, давлат солиқ хизмати органлари томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар нақд пул асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш тушумининг банкка топширилиши ҳамда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши бўйича доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2017 йилнинг 1 мартидан бошлаб, ўрнатилган тартибга мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, назорат-касса машиналарини, ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш, шунингдек, ўрнатилган тартибда талон ва чеклар бериш, нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш масалалари юзасидан ўтказиладиган текширувлар, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг махсус рухсатномасини талаб этадиган солиқ текшируви ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилган. Мазкур қарорга кўра, 2017 йилнинг 1 мартидан бошлаб чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари сотилаётган товарлар нархини ҳамда кўрсатилаётган хизматлар ҳақини нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлаш шаклига қараб уларни сунъий равишда оширган ёки пасайтирган тақдирда, бундай хатти-ҳаракатлар пластик карточкалар бўйича тўловларни қабул қилишда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш борасида ўрнатилган тартибни бузиш ҳисобланади ва уларга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади.

Шунга кўра, Тошкент шаҳрининг Яшнобод туман давлат солиқ инспекцияси томонидан мазкур йўналишда жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида савдо ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширувлар натижасида 293 та ҳолатда тадбиркорлик субъектлари томонидан назорат-касса машинаси ва назорат-касса машиналарининг чекига тенглаштирилган квитанциялардан фойдаланмасдан белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмай 111,5 миллион сўм нақд пул банкка топширилмаганлиги, шунингдек, 16 та ҳолатда тўлов терминалини ўрнатмаслик ва 22 та холатда тўлов шаклидан келиб чиқиб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш аниқланган. Белгиланган тартибларга риоя этмай фаолият юритаётган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасига кўра фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек, сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг (149 775 сўм) ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга, мазкур ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддаси 1-қисмга кўра савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*Хулоса қилиб айтганда, белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя этиб савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартирилишига, давлатимиз равнақи ва аҳоли турмуш даражасининг ошишига, ойлик иш ҳақи, пенсия ва стипендияларини вақтида олишларига муҳим омил бўлади.*

**Рустам ИНОЯТОВ,**
**Яшнобод туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиқ ўринбосари**

**УСТОЗЛАР ДЕЙДИКИ...**

# КАФТДА КИТОБ, юракда муҳаббат билан...

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев аскар илмли, китобхон бўлиши керак, деган фикрни илгари сурган эдилар. Бу даъватга кўра, юрт тинчлиги, эл омонлиги йўлида кунни кун, тунни тун демай хизмат қилаётган эр-йигитларимиз маънавиятини янада юксалтирмоқ учун нималар қилмоқ керак, деган саволга таниқли ижодкорлардан жавоб олишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, аскар ўғлонларнинг ўзлари бу ҳақда қандай фикрдалар — бунга ҳам қизиқдик.*

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ёзувчилар уюшмаси раиси:**

*— Китоб — олам мўъжизасидир. У ёзувчининг идроки, бемисл меҳнати билан дунёга келади. Китоб бор ерда ёвузлик йўқ, нур бор, зиёга талпиниш бор. Гарчи бугун ҳаётимизда техника асрининг олачипор унсурлари мўл бўлса-да, умримизни, вақтимизни билиб-билмай ўғирласа-да, барибир мутолаага фурсат топиш зарур. Бу ишда, аввало, оиланинг ўрни бўлакча. Ота-она китоб олиб келиб, уни фарзандларига тарғиб қилиб, оилавий муҳокама қилса, нур устига нур бўларди. Ахир бизда илгари Навоийхонлик, Бедилхонлик, Машрабхонлик кечалари хонадонларга файз, нур бағишлаган.*

*Шу ўринда Президентимизнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши қутлуғ иш бўлди. Бу бўйича ишлар кўлами ортмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ҳарбий қисмларга 700 миллион сўмга китоб олинди. Чегара қисмларининг ўзига 240 миллион сўмлик китоблар етказдик. "Аскар кутубхонаси" рукнида китоб чоп этиш йўлга қўйилиб, шу кунга қадар иккита китоб нашрдан чиқарилди.*

*Шу ўринда мен ҳарбий қисм командирларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ишловчи ўринбосарларига мурожаат қилган бўлардим. Офицерлар ҳарбий хизматчиларга маънавий-маърифий тайёргарлиги машғулотларида янги китобларнинг муҳокамасини қилиши зарур. Шунда ҳар бир ўқилган китоб муҳокамаси баҳсу мунозараларга, таассуротларга бой бўлади. китобга, унинг тарғиботига ҳисса қўшилган бўларди. Айтмоқчиманки, ҳарбий қисмларда ҳам адабий мулоқотлар керак. Зеро, ҳарбий хизматчи деганда кўз олдимизга биринчи галда ватанпарвар инсон келади. Ватан учун кўкси қалқон инсон кимни, нимани, қаерни ҳимоя қилаётганлигини билиши зарур. У туғилиб ўсган ерининг тарихини чуқур билиши, Амир Темурдек буюк аждодларининг ишларидан ғурурланиши, кўксида ифтихор, номус туйғулари лиммо-лим бўлиши лозим. Қўлда қурол билан юраги шундай улуғ туйғуларга тўла ҳарбий хизматчигина она Ватаннинг ҳақиқий посбони бўла олади.*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири, сенатор,**
**Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги**
**Жамоатчилик кенгаши раиси:**

*— 2017 йилнинг бошидан ҳарбий қисм ва муассасалар кутубхоналарига Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқидан 16 мингга яқин бадиий китоблар тақдим этилган бўлса, бу ишларни янада жонлантириш мақсадида ҳарбий хизматчилар ўқиши керак бўлган асарлар рўйхатини ҳам туздик.*

*Шу йилнинг июнь-август ойларида "Аскар кутубхонаси" сериясида Замонамиз қаҳрамонлари ҳақида адабиётлар чоп этилиши ҳамда мазкур адабиётлар билан ҳарбий қисм ва муассасалар кутубхоналарини тўлдириш йўлга қўйилди. Хабарингиз бор, мазкур сериядаги илк китоблар "Замонамиз қаҳрамонлари" рукни остида адабий-публицистик нашрлар "Ҳасанбой Дўсматов" ва "Руслан Нуриддинов" китоблари нашр этилди. Ҳозир спортчимиз Шахрам Ғиёсов ҳақида худди шундай китоб нашрга тайёрланмоқда. Таниқли ёзувчи ва шоирларимизнинг энг сара асарлари, инглиз ва рус тилларидаги адабиётлар, луғатлар мазкур серияда чоп этилиши режалаштирилган китоблар мундарижасини ташкил этади. Кино санъати намоёндалари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли ва шарафли хизматини, жасоратини яққол ёритадиган, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган бадиий фильмлар сценарийлари устида иш олиб борилаётганлиги ҳам бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизни ифодалайди.*

*Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг китоб тарғиботи ва мутолаасига қаратаётган эътибори ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Бу ҳақда Самарқандда бўлган видеоселекторда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Айнан "Аскар кутубхонаси" рукнида китоб чоп этилишига бир миллиард сўм маблағ ажратганларининг ўзи мазкур масалага нечоғлик эътиборли эканликларини тасдиқлайди.*

**Эркин САМАНДАР,**
**шоир ва драматург,**
**"Дўстлик" ордени соҳиби:**

*— Қадимдан маълум, ҳарбийлар тадбирли, уддабурон, ақлли бўлган. Чунки ҳарб санъати катта илм талаб этган. Мисол учун улуғ юртпарвар саркарда Жалолиддин Мангубердини олайлик ёки Темур Маликни, Бобурни айтинг. Улар уддабурон, заковатли бўлмаганми? Жалолиддиннинг Ҳиндистондан Грузия, Озарбойжон, Курдистонга қадар муваффақиятли юришида, унинг аввало, тадбирли эканлиги, жанг санъатини яхши ўзлаштирганлигини кўрамиз. Шунинг учун тарихда ёғийлар мамлакатни босиб олмоқчи бўлганда, аввало саркардаларнинг ўзлигини, халқнинг маънавиятини, миллий ғурурини топтамоқчи бўлган. Бунга тарихда мисоллар кўп. Чингизхон Бухорога бостириб кирганда, мачитни кўриб, "Бу нима?" деб сўрайди. Мачит эканлигини, унда илм ўргатилишини айтишганда, мўғуллар сардори оти билан мачитга кириб боради ва у ерни булғайди. Бу билан у мазлум халқнинг руҳини синдирмоқчи бўлади. Бунга бир қадар эришади ҳам.*

*Мен ҳарбий хизматчиларимизга мардонаворликка ундайдиган, уларнинг руҳиятини ўстирадиган, қатъиятини мустаҳкамлайдиган адабиётларни ўқишни тавсия қилган бўлардим. Масалан, яқинда Жумабой Раҳим деган ёзувчининг "Адолат ва қудрат тимсоли" номли китобини ўқиб чиқдим. Соҳибқирон Амир Темур ҳақида жуда яхши асар бўлибди. Уни ўқиган посбонларимиз Темур бобомиз ҳақида анчагина маълумотларга эга бўлиши мумкин.*

**Мирпўлат МИРЗО,**
**шоир ва таржимон.**
**"Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби:**

*— Мени Жалолиддин Мангуберди сиймоси ҳамиша ҳаяжонга солади. Унинг бундай жасоратига, матонатига сабаб нима бўлганди? Амударёдан сакраб, ҳаётини хавф остига солишига, оқибат душманнинг ҳайрати ва ҳавасига эришишида, аввало, ундаги орият кучлилик қилган. Ёки Амир Темурни олайлик. Бу инсон нафақат буюк балки маърифатли саркарда ҳам бўлган. Бугун осойишталигимизга посбон бўлган Ватанимиз ҳарбийлари шундай аждодларимизнинг мардлигидан, заковатидан қувват олишлари керак. Бунинг учун улар орасида маънавий ишларни кенгроқ олиб бориш керак. Адабиётни тарих билан бирга ўқитиш, албатта самарасини беради. Ўйлайманки, бунинг учун ёзувчиларимиз ҳам ватанпарварлик мавзусида янада кўп асарлар, қўшиқлар яратиши керак.*

Мавзу юзасидан ҳарбий хизматчиларга ҳам юзландик. Ҳарбий хизматчининг масъулиятини, вазифасини англаб бораётган, ҳаётини шу муқаддас бурч билан боғлашга аҳд қилган бу шунқорларнинг ҳавас қилгулик жиҳатлари кўп. Бири уйида 300 дан зиёд китоби борлигини, бири она диёри ҳақида чиройли шеърлар ёзишини, яна бирови Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг аъзоси эканлигини таъкидловчи фикри теран бу йигитларнинг китобга яқинлигини сезиш қийин эмас.

**Курсант Умиджон КАРИМОВ:**

*— Бугун ҳарбий хизматчи ҳар жиҳатдан етук, интеллектуал фикрли инсон бўлиши керак. Бунда биринчи кўмакчи — албатта, китоблардир. Болалигимдан китоб йиғишга қизиқаман. Шахсий кутубхонамда 300 тадан ортиқ китоб бор. Оиламизда бу анъанага айланган. Ота-онам йиққан адабиётларни бугун биз фарзандлар тўлдираяпмиз.*

*Мен таҳсил олаётган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида маънавият машғулотлари кенг қамровда ўтилади. Уларда ихтисослигимиздан ташқари адабиётга оид фикрлар, ўқилган китоблар муҳокама қилинади. Китоб одамни ўстиради, деган фикр бор. Чиндан ҳам шундай. Инсон ўз-ўзидан юртсевар бўлиб қолмайди. Ўқиган китоблари, эшитган эртаклари, ёдлаган шеърлари орқали руҳи шундай ёруғ ҳисларга ошно бўлади.*

**Курсант Абдуллажон НАБИЕВ:**

*— Рақибни қуролсиз ҳам енгиш мумкин. Бунинг учун инсонга ўткир тафаккур, билим керак. Широқнинг жасорати асрлар ўтса-да, ҳаммамизга ўрнакдир. Чунки у Ватанини жонидан ҳам ортиқ севади. Бошқача таъриф бериш мушкул унга.*

*Кун тартибимизда китоб ўқиш алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, ҳар якшанба куни "Ватанпарвар" кўрсатувидан кейин ўқиган китобларимизни муҳокама қиламиз, шеърхонликлар уюштирамиз. Бунда ҳарбий устозларимиздан подполковник Хуршид Шерматов, фалсафа, тарих, ҳарбий тактика фани ўқитувчиларимизнинг тажрибасига, маънавиятига ҳавас қиламиз. Ҳарбий қисмимиз кутубхонасида китоблар кўп. Чингиз Айтматов, Ўткир Ҳошимов асарларини, Шавкат Раҳмон шеърларини қайта-қайта мутолаа қиламан.*

**Оддий аскар Алибек ОМОНТУРДИЕВ:**

*— Оилавий муҳитнинг фарзанд тарбиясига алоҳида таъсири бор. Бобом ва отам профессор бўлгани учун таниганим китоб, ўқиганим адабиёт бўлган. Қўлимга қалам тутганимда фақат эзгулик учун қалам тебратишни дилимга тукканман. Журналистика соҳасидаги фаолиятимда қанча кўп нарса ўрганган бўлсам, ҳарбий хизматда ундан кўп нарса ўргандим. Собитлик, бардош ва матонат деган тушунчалар ҳаётимга кириб келди.*

*Янги адабиётларни иложи борича беэътибор қолдирмаймиз. Лекин ёш ижодкорларнинг, тенгқурларимизнинг ижод намуналари ҳали тўлиқ етиб келмаган. Биз бугунги тенгдошимизни нималар ҳақида ўйлаётганлигини, уни безовта қилаётган туйғулар ҳақида билишни истардик.*

*Айтилган фикрлардан китоб ўқишни кундалик юмушлари қаторига қўшаётган, ойлик маошидан китоб жавонини турли адабиётлар билан безаётган, шиддатли замоннинг талотўпларига ақл кўзи, тафаккур дунёси билан боқиб, китобга дўст тутинган юртдошларимизнинг сафи кенгайиб бораётганлигига амин бўлдик. Улар ичида осойишталигимизга, тинчлигимизга посбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг борлиги эса қўлида қурол тутган ҳар бир посбоннинг юраги эзгу ва ёруғ ҳисларга тўлалигини англатади.*

**Наргиза АСАДОВА**

**АКС-САДО**

“Ҳуррият”нинг ўтган (20 сентябрь) сонида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходими Шоқаҳҳор Салимовнинг “Биз айтмасак, ким айтади?” сарлавҳали таҳлилий мақоласини ўқиб, матбуот нашрларида тил ва таҳрир масаласига куюнчаклик билан ёндашилганидан хурсанд бўлдим.

# МАТБУОТ ҲАЁТДАН ОРҚАДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК!

Мақола муаллифи тўғри қайд этганидек, *“сўнгги пайтларда нашрларда таҳрир мактаби оқсаяпти”*. Буни тил ва таҳрир борасида юз бераётган кўплаб хатолардан билиб олса бўлади. Ҳолбуки, *“ҳар бир нашр саводхонлик манбаи бўлиб хизмат қилиши зарур”*.

Энг катта хатолардан бирини ўз номи билан атасак, матбуотда баъзан ҳаётдан ортда қолиш юз беряпти. Ҳаёт ўзгаряпти-ю, кўпчиликда фикр қотиб қоляпти. Яъни баъзиларда онг воқеликда юз бераётган ўзгаришлар билан баробар юролмаяпти. Бунга, *фикрий дангасалик,* деб қарашдан бошқа иложимиз йўқ. Чунки ҳаёт қотиб қолиши, ўзгармай туриши мумкин эмас.

Ҳолбуки, журналист ҳаётдан орқада қолиши мумкин эмас. Унда оммавий ахборот воситаси ўз вазифасини тўла бажармаган бўлади, халқни олға етаклай олмай қолади. Чунки ҳамма янгилик, энг аввало, оммавий ахборот воситаларида акс этиши керак эмасми?!

Бу мулоҳазаларимиз мисолсиз эмас.

Шўро замонида *“район халқ маорифи бўлими”* бўлар эди. Кейин бу *“туман халқ маорифи бўлими”* дейиладиган бўлди. Чунки рус тилидан кириб келган *“район”* сўзидан воз кечиб, унинг ўрнига ўзимизнинг эски *“туман”* деган сўзимизни қайта тикладик-да. Бора-бора “маориф” сўзининг ҳам баҳридан ўтдик. Унинг ўрнини “таълим” калимаси эгаллади. Шу тариқа бу ташкилот *“туман халқ таълими бўлими”* дейиладиган бўлди.

Ҳозир яна ўзгарган. Аниқроғи, бу ташкилот расман *“туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими”* деб қайта номланган.

Аммо журналистларимизнинг ҳаммаси ҳам бундан тўла хабардор эмас. Айрим газеталаримизда ҳамон эскича ёзиш давом этяпти.

Бу даъвомизни факт ва далилларсиз исботлаш – қийин, албатта.

Яқинда Фарғона тумани ҳокимлиги муассислигида чиқадиган “Водил ёғдуси” газетасининг 2017 йил 26 август сони қўлга тушиб қолди. Шу биргина сонда ана шу туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг нақд олти хил (?!) ёзилганига нима дейсиз?

Биринчиси: *Моҳичеҳра Эралиева, Маҳлиё Раҳимова, Нодирахон Олимова, Чаросхон Орзиқулова, Раънохон Шермонова материаллари остида “туман ХТБ” деб ёзилган.*

Иккинчиси: *Гулмира Раимова материали остида “туман халқ таълими бўлими” деб ёзилган.*

Учинчиси: *Р.Исақова, У.Раҳматалиев материаллари остида “туман ХТБМАТ” деб ёзилган.*

Тўртинчиси: *Шарифжон Маъмуралиев материали остида “туман ХТМФМТТЭ” деб ёзилган.*

Бешинчиси: *Гулҳаё Юлдашева материали остида “туман ХТМФМТТЭБ” деб ёзилган.*

Буларнинг бешаласи ҳам – мутлақо хато.

Биринчи мисолда, аввало, *“ХТБ”* қисқартмаси нимани англатиши ўқувчига тушунарсиз қолган, қолаверса, уни *“халқ таълими бўлими”* деб тушуниш керак бўлса, ҳозир туманда бундай ташкилот умуман йўқ.

Иккинчи мисолда сўзлар очиқ ёзилган, лекин, боя айтилганидек, туманда ҳозирги пайтда бундай ташкилот мутлақо йўқ.

Учинчи мисолдаги *“ХТБМАТ”* қисқартмаси айнан нимани англатишини, умуман, аниқлаштиришнинг ҳеч иложи бўлмади.

Тўртинчи мисолдаги *“ХТМФМТТЭ”* қисқартмасида охирги *“бўлими”* сўзини англатадиган *“Б”* ҳарфи тушиб қолган.

Бешинчи мисолда, яъни *“туман ХТМФМТТЭБ”* ифодасида кескин хато йўқ, фақат газетада бундай қисқартма бериш учун аввал шу соннинг бошқа бирор ерида шу қисқартма қавсда берилиши лозим эди.

Фақат Расулжон Турғуновнинг маърузасида муаллифнинг лавозими *“Фарғона тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири”* сифатида тўғри кўрсатилган, холос.

*“Ҳа, энди, бир туман газетаси шундай хатога йўл қўйса, қўйибди-да, шунга шунча ота гўри – қозихонами?”* – дерсиз?

Йўқ-да. Андижон вилоятидаги Булоқбоши тумани муассислигида чиқадиган “Булоқбоши” газетасининг 2017 йил 25 август сонида Авазбек Ташхаджаевнинг лавозими эскичасига *“туман халқ таълими бўлимининг мудири”* тарзида мутлақо хато равишда берилган.

Шу газетанинг мазкур сонидаги Гулрухсор Тоштанова материали остида эса, умуман, дангасалик қилинган ҳолда *“бўлимнинг мактабгача таълим муассасалари услубчиси”* деб ёзиб қўйилган, аммо бу қайси бўлим экани газетхон учун номаълум қолган.

Бу мулоҳазаларни ўқиб, кимнингдир кўнглидан: *“Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими” деган узундан-узоқ номдан кўра ўша содда ва аниқ “халқ таълими бўлими” ифодаси ҳар тарафлама маъқул эмас эдими?”* – деган ўй кечса ҳам, ажаб эмас.

Марҳамат, кимдадир шундай фикр-мулоҳаза туғилган бўлса, мутасадди идораларга мактуб йўллаб, ўз таклифини билдирсин. Масала кўриб чиқилиб, бир оқилона тўхтамга келинар.

Лекин то бу ном расман ўзгармас экан, ҳеч ким уни ўзича аташга ҳам, эскичасига ишлатишга ҳам асло ҳақли эмас. Бу қонунни бузиш билан баробар хато ҳисобланади.

Ростини айтганда, матбуотда энг ёмони – ҳаётдан орқада қолиш. Чунки газета ва журнал халқни олдинга етаклаши керак. Ўзи халқдан орқада юрса, ким унга эргашади? Бу одамларни олға етаклаш эмас, аксинча, ортга тортиш бўлиб қолмайдими?!

*“Водил ёғдуси” ва “Булоқбоши” газеталарида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиз бизни тўғри тушунишади,* деб ўйлайман.

Ахир, беайб – Парвардигор. Йўл қўяётган хатоларимизни вақтида бир-биримизга ўзимиз айтмасак, ким айтади?

**Султонмурод ОЛИМ,**
**“Нақшбандия” журнали бош муҳаррири,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси**

# Ватан жамоли ойинаси

**ТАСВИР ВА ТАСАВВУР**

Ҳаётимизда шундай муқаддас тушунчалар, инсоний қадриятлар борки, улуғвор мақсадларимизга қанот беради. Буларнинг барчасини таъсирчан тасвирий воситаларда акс эттириб, халқимизга тақдим этишнинг ўзи бир санъат. Янги ғоялар ва фикрларни уйғотадиган бундай тасвирлар, шиорлар бугун нафақат, пойтахтимиздаги марказий кўчалар, метро вагонлари, одам гавжум жойлар, балки энг олис қишлоқларимиздаги узоқ-яқин манзилларни бир-бирига боғлаб турган темир йўллар, бекатлар, бозорлар, хиёбонлар тепасида ҳам илиб қўйилган. Булар инсоннинг орзу-умидлари, туйғулари ва хаёлларини безаб, эзгу ишларга чорлаб туради.




Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг ташкил этилганига йигирма йил тўлган бўлса-да, юксак тасвирий воситалари орқали буюк ўтмишимиз, бугунимиз ва келажагимизни қалбимизга сингдириб келмоқда. Эшитгандан кўрганнинг таъсири минг марта устун, дейди доно халқимиз. Баннерлар, маҳобатли фотосуратлардаги шиорлар ҳам тарбия воситаси. Ҳар куни йигирма тўрт соат давомида тинч ҳаётимиз, осойишта турмушимиз, бунёдкор халқимизнинг шижоати акс этиб турган тасвирлар билан бирга яшаш инсонга битмас-тугунмас куч бағишлайди. Қолаверса, ҳаётимиз тамал тоши бўлган истиқлол моҳияти, мустақиллик ғояларини кенг ёйишда тасвирий-тарғибот воситаларининг аҳамияти ғоят катта.

– Бугунги кунда ижодий уюшмамиз томонидан мустақиллик, озод ва обод Ватан, истиқлол неъматлари, Миллий армиямиз, истеъдодли ёшлар, ибратли анъана ва қадриятларимиз, маҳалла, халқимизнинг дунё ҳавас қилса арзигулик фазилатлари, умумхалқ байрамларимизга бағишланган минглаб ранг-баранг маҳобатли паннолар, баннерлар, тасвирий воситалар тайёрланиб, юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларини безаб турибди, – дейди “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латипов. – Уюшма атрофига истеъдодли рассомлар, дизайнерлар, фотосуратчилар ва бошқа ижодкорларни бирлаштириб, одамларнинг виждонини уйғотадиган, маънавий бедорликка чорлайдиган, ҳалоллик, фидойиликка ундайдиган, ватанпарварлик туйғуларини кучайтирадиган самимий тасвирий-тарғибот воситаларини яратишга ҳаракат қилиб келяпмиз. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларимизда ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, айни пайтда, туман ва шаҳарларнинг ўзида етмишга яқин бўлимларимиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар эркин ва мустақил ҳаёт қуришимиз учун ватандошларимизни бунёдкорлик ишларига чорловчи, ёшларни маънавий қадриятларимиз руҳида тарбияловчи матнлардан фойдаланиб, таълим муассасалари, маънавият хоналари, автотранспорт воситалари, оммавий тадбирлар, мусобақалар ўтказиладиган жойларда баннерлар, плакатлар ва бошқа тасвирий-тарғибот воситаларини кенг жойлаштириб келмоқда. Ҳали кўплаб бўйнидаги медаллари саноғига етмаган спортчи болалар, кундан-кунга чирой очиб бораётган тинч ва осойишта юртимизнинг файзли масканлари, бетакрор манзаралари, истарали ва қадрдон чеҳралар акс эттирилган суратлар, шукроналик, юрт тақдири учун дахлдорлик, фарзандлар келажаги учун масъулиятга ундовчи плакат ва паннолар яратиш ниятидамиз.

Ҳа, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг, тасвир ва рангларда тараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган ижод аҳлининг меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафлидир. Буни “Тасвирий ойина” ижодий уюшмасининг йигирма йиллик фаолияти давомида эришган ютуқларда ҳам кўриш мумкин.

– Вақт шамолининг учқурлигини қаранг, бизнинг яқин ҳамкоримиз, инсон маънавиятининг энг фаол тарғиботчиларидан бири “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ташкил этилганига ҳам йигирма йил тўлибди, – дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, ардоқли шоир Саъдулла Ҳакимов. – Йигирма йил... Бир инсоннинг камолот фасли. Уюшма ҳам бу йиллар давомида камол топди, жамиятимиз ҳаётининг муҳим бўғинларидан бири сифатида танилди. Зеро, биз унинг ижод намуналаридан ҳар қадамда баҳраманд бўламиз: нигоҳларида шукроналик акс этган онахон лаблари гўё “шу кунларга етказганига шукур” деб пичирлаётгандек..., жон томиримиз – кўзлари порлаб турган болажонларнинг шўх-шодонлиги, алп паҳлавон йигитларимиз шижоати, кун сайин янада чирой очаётган обод ва озод гўшалар тасвирлари... Уларга боқиб кўнгил қалқиб тушади, юракда фахр ва ғурур жўш уради – булар Ватан манзаралари, бой ва қадим тарихимиз, асрлар қаъридан бўй кўтарган қадриятларимиз, дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралар, бугунги кунимиз нафаси, истиқболимиз дарчалари.

Томирларида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамлар буюк ишларга қодир бўлади. Булар каби кўчалар, боғ ва хиёбонларни безаб турган, киши қалбини улуғворликка, бунёдкорлик ва ватанпарварликка ундовчи паннолар, расмлар, ижтимоий реклама ва бошқа тасвирий воситалардан илҳом оламиз, ўзимизда келажакка бўлган буюк ишонч ҳиссини туямиз.

“Тасвирий ойина” уюшмаси чин маънода Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнини кенг оммага таъсирчан ва жозибадор шаклларда етказиш, халқнинг чинакам бунёдкорлик ишларини, одамлар онгида, руҳиятида, қиёфасида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирий намоён этиш йўлида ҳормай-толмай фаолият олиб бормоқда. Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик йўлида олиб борилаётган яратувчилик ишларини, мамлакатимизда янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнини намойиш қилувчи ижобий ўзгаришларнинг асл ижодкори – замондошларимиз сиймосини ёрқин акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этиб келмоқда. Уларда тинчлик, осойишталик, бунёдкорлик, бағрикенглик каби тушунчалар устуворки, шу тарзда ҳар куни миллионлаб кишиларга эзгу ғоя ва фикр улашади.

Ҳар бир яратилган асар ортида юрак қони, катта ва машаққатли меҳнат, иқтидор, салоҳият мужассам. Биз “Тасвирий ойина” ижодий жамоасига келгуси ишларида ҳам ижодий ютуқлар ва омад тилаймиз.

**Адиба УМИРОВА,**
**“Hurriyat” мухбири**

# Бугунги кун журналисти учун НИМАЛАР ЗАРУР?

**МУЛОҲАЗА**

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасини ёритиш ва журналист суриштирувини ўтказишга оид касбий малакаларни ошириш” мавзусида икки кунлик ўқув-курсида иштирок этдим.




Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини юксалтириш, журналистлар малакасини ошириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлари эътиборга моликдир. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ҳар йили водийдаги “Чимён” санаторийсида ташкил этиб келаётган медиалагерь нафақат Фарғона, балки республиканинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган журналистлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш анъанасига айланди. Соҳа мутахассислари, малакали, фахрий журналистлар, газета муҳаррирлари иштирокидаги суҳбатлар, ижодий баҳс-мунозаралар уларни ўз устида ишлаш, изланиш, янги ғоялар билан қалам тебратишга Дўстмуҳаммад, “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Фармон Тошевлар тажрибаси ёш ижодкорлар учун ибрат мактаби бўлди.

Яқинда уюшма матбуот марказида Андижон, Наманган, Фарғона журналистлари учун яна бир ўқув семинари ташкил этилди. Семинарда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов соҳалар кесимидаги ўзгаришлар, Президентимизнинг “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ОАВ вакилларининг фаолиятида янги босқични бошлаб берганини таъкидлади.

Тадбирда “Маслов PR Ташкент” агентлиги ходими Севиль Сакаева котиблари билан ишлаш тизими, соҳаларда бўлаётган ўзгаришларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш масалалари ҳақида сўзлаб берди.



– Бугун кун талаби билан айтганда, журналист ҳар бир ташкилот матбуот хизмати билан ҳамкорликда фаолият юритиши лозим, – дейди агентлик директори Барно Назарзода. – Аҳолига соҳаларда бўлаётган янгиликлар, ўзгариш ва юксалишлар ҳақида тўлақонли ва ўз вақтида ахборот беришда тизим қўл келади. Аммо аксарият чекка ҳудудлардаги босма нашрларда ҳамкорлик йўлга қўйилмаганига гувоҳ бўлдик. Бунинг учун етарлича сабаблар ҳам борлиги ўрганилди. Лекин журналист ташаббуси ва қатъияти жавобсиз қолмаслиги лозим.

Хитой “Huawei” компаниясининг мамлакатимиздаги матбуот котиби Даврон Азизов эса журналистларнинг ахборот технологиялари билан ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилган маърузаси билан иштирок этди. У таҳририятларда интернет тизимини ривожлантириш, журналистлар фаоллигини ошириш ва сайтларда халқаро тилларда ахборот узатиш шароитини яратиш кераклигини қайд этди:

– Айниқса, сайтларнинг ўз вақтида янгиланиб бориши муҳим ўрин тутади. Афсуски, айрим сайтлар фаолияти суст, маълумотлар эски, дизайни талаб даражасида эмас. Аксарият таҳририятлар интернет тизими билан тўла таъминланмаган, журналистлар эркин фойдалана олмайдилар. Диктофонлар ҳам етарли эмас, русуми эскирган компьютерлардан фойдаланишади. Бу жиҳатлар бугунги кун талабида ишлашга ўз таъсирини кўрсатади.

– Бугун нафақат миллий журналистика, балки хориж тажрибаси асосида ишлаш, фаолиятимизга замонавий, янгича руҳ олиб кириш кераклигини барчамиз яхши биламиз, – дейди Андижон вилояти “Жалақудуқ ҳаёти” газетаси мухбири Дилдора Хушбоқова. – Журналистнинг замонавий нигоҳи билан бирга, замонавий қуроли ҳам бўлиши лозим. Дунё ҳамжамиятида бўлаётган ўзгаришларга холисона баҳо бериш ва мамлакатимизда юз бераётган ислоҳотларнинг тадрижий ифодасидан халқимизни бохабар қилишда бу омил етакчи роль ўйнайди.

**Камола ПОЛВОНОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 72-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

**ШАРҲ ЎРНИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди, БМТнинг расмий сайти (un.org), шунингдек, sputniknews-uz.com, rt.com, currenttime.tv ва бошқа порталларда онлайн тарзда эфирга узатилди.**



Давлатимиз раҳбарининг, айниқса, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусларига хорижий интернет нашрларида алоҳида эътибор қаратилган.

БМТ расмий сайтида (un.org) ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф қилди, терроризм муаммосига катта эътибор қаратиб, унинг туб сабабларига барҳам беришга чақирди.

«Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир», деб алоҳида қайд этди Ўзбекистон Президенти.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганини таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёев «глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш»ни таклиф этди.

«Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир», деди Шавкат Мирзиёев», деб ёзади БМТ сайти.

ТАСС ахборот агентлиги (tass.ru) ёзишича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясига ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисидаги резолюцияни қабул қилишни таклиф этди. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари жаҳон жамоатчилигига «ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини» етказишга чақирди.

«Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз», деди Ўзбекистон раҳбари ҳамда ислом дини «эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга» даъват этишини қайд этди».

Ўзбекистон Президенти БМТга аъзо давлатларга «БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи» билан мурожаат қилди. «Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган», деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев», дейилади ТАСС хабарида.

Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи қуриши муаммоси, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам хориж оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборини тортди.

БМТ расмий сайти (un.org) ахборот беришича, Шавкат Мирзиёев Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашини қайд этди ҳамда халқаро ҳамжамиятни Орол денгизи буткул қуришининг олдини олишга чақирди.

«Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда», деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади.

Президент Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари тўғрисида сўз юритар экан, минтақанинг умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласига тўхталди: «БМТ Бош котибининг «сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ», деган позициясини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ», деб ёзади un.org сайти.

Ўзбекистон, Шавкат Мирзиёев таъкидлашича, ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда, деб таъкидлайди «Спутник» янгиликлар агентлиги (ru.sputniknews-uz.com).

«Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги ойларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди. Сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиши том маънода муҳим воқеа бўлди. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир», деди Ўзбекистон раҳбари».

Шавкат Мирзиёев сув ресурслари билан боғлиқ мураккаб ва глобал мавзуга тўхталар экан, бу муаммога БМТ шафелигида минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини ҳисобга олган ва муросага асосланган ҳолда ёндашиш лозимлигини яна бир бор алоҳида қайд этди.

«Россия 24» телеканали хабар беришича, Ўзбекистон Президенти Бош Ассамблеядаги нутқида Марказий Осиё мамлакатлари саммитини ўтказишни таклиф этди ҳамда бундай тадбирлар сиёсий ишонч даражасини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

«Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз», деб таъкидлади Ўзбекистон раҳбари».

Хориж оммавий ахборот воситалари Шавкат Мирзиёевнинг БМТ фаолиятини ислоҳ қилишга доир ташаббусларига эътибор қаратди.

Россия ахборот агентлиги (ria.ru)нинг таъкидлашича, Ўзбекистон Президенти Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида сўзлаган нутқида Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш зарурлигини таъкидлади ҳамда БМТнинг янги раҳбарияти томонидан ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлади.

«Анадолу» ахборот агентлиги (aa.com.tr) қайд этганидек, Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон БМТнинг босқичма-босқич ислоҳ этилиши тарафдори эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида БМТга аъзо давлатларга тақдим этилган ахборот хориж оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлди.

tengrinews.kz ахборот портали хабар беришича, Шавкат Мирзиёев ўз нутқини Ўзбекистон сиёсати ва иқтисодиёти тўғрисида қисқача шарҳ беришдан бошлади, охирги йилда мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда глобал ўзгаришлар рўй берганини таъкидлади. «Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз: халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», деб алоҳида қайд этди Ўзбекистон Президенти». БМТ билан ҳамкорлик ҳақида сўз юритар экан, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон демократик ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаш сари қатор муҳим чоралар кўрганини, жумладан, хорижга чиқиш визалари бекор қилинганини таъкидлади.

ТАСС ахборот агентлиги (tass.ru) Ўзбекистон Президенти Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб Ўзбекистон мақсади демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат туб ислоҳотлар амалга ошираётгани ҳақида маълум қилди, деб хабар беради.

«Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак», деб қайд этди Шавкат Мирзиёев. У Ассамблея иштирокчиларига Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилгани ҳақида хабар қилди. Уларга мурожаат қилган бир миллиондан ортиқ фуқаролар ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилди».

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқин ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича чоралар кўрилди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг ташрифидан сўнг инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. «Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди», деб Шавкат Мирзиёевнинг сўзларини келтиради ахборот агентлиги.

Давлатимиз раҳбарининг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишга оид фикрлари ҳам хориж медиа оламида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Афғонистон билан қўшни мамлакатларни афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга кўмаклашишга оид даъватини қўллаб-қувватлайди ҳамда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг фикрича, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир, деб таъкидлайди Россия ахборот агентлиги (ria.ru).

Президент Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга, миллий кадрларини тайёрлашга бундан буён ҳам ҳисса қўшади, деб қайд этди, деб ёзади Россия ахборот агентлиги (ria.ru).

Би-Би-Си Ўзбек хизмати (bbc.com/uzbek) – «Халқаро молиявий тузилмалар ва АҚШ ишбилармон доиралари билан ўтказилган учрашувлар мисолида Шавкат Мирзиёев ушбу ташрифдан Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш ва иқтисодиёт соҳасида икки томонлама шартномалар имзолашда самарали фойдаланди. Мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотлар ва валюта сиёсатининг либераллаштирилиши АҚШ бизнес ҳамжамиятида Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш уйғотди», деб таъкидлайди.

Хориж оммавий ахборот воситалари, шунингдек, давлат арбоблари ва оддий одамларнинг Президентимизнинг нутқи ва ташрифига доир муносабатини ҳам ёритган.

«Америка овози» радиоси "Ватандош" жамияти фаоли Н.Содиқов билан интервьюни эълон қилган. Н.Содиқов «Биз, ўзбек диаспораси вакиллари, Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифидан мамнунмиз, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бизни хурсанд қилмоқда. Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар Ватанимизга муҳаббат, ундан ғурурланиш туйғусини янада кучайтирмоқда», деб таъкидлади.

«Узметроном» ахборот портали (uzmetronom.com) ёзишича, «Ўзбекистон Президентининг Нью-Йоркдаги нутқи – хорижда мамлакатимиз ҳақида шаклланган бир хил қолипдаги тушунчаларни максимал даражада лўнда ва ишонарли ўзгартирганининг тасдиғидир. Моҳиятан, бу БМТ Низомида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари устуворлиги, умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳамкорлик субъектларининг ўзаро муносабатларига доир тамойилларга тўлиқ ва сўзсиз содиқ бўлган давлатнинг янги қиёфасини намойиш этади.

Вақт қатъий чегараланган, аудиторияда шундоқ ҳам ахборот кўп бўлса-да, нутқда фикрларни қисқа баён қилиш усули эътиборни тортади, деб ёзади ахборот портали. Прагматик сиёсий муҳитда анъанавий равишда яхши қабул қилинмайдиган узун, таржима қилиш мураккаб гаплар, тарихга назар ва лирик чекинишлар йўқлиги эътиборга молик. Унинг ҳамкорларга айтадиган ҳар бир фикри чуқур ўйланган. Ҳар бир хатбоши – у факт ёки тезис бўлсин, атиги бир гапдан иборат бўлиб, тезда хотирада муҳрланишга мўлжалланган. Шавкат Мирзиёев атиги бир йил ичида Ўзбекистонда айнан нималар ўзгаргани, мамлакатни нималар ташвишга солаётгани, мавжуд глобал муаммолар шароитида келажакни қандай кўраётганини максимал даражада содда шаклда аудиторияга етказишга интилди.

Фикр ва баённинг тиниқлиги илгари сурилган таклифлар билан бирга, Президент сессияга пухта тайёргарлик кўрган, дейишга асос беради. Афғонистондаги вазият ҳақида тўхталар экан, Шавкат Мирзиёев «Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир», деди ҳамда «Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим»лигини таъкидлади.

Хорижий интернет нашрлари давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи доирасида бошқа мамлакатлар вакиллари билан икки томонлама учрашувларини ҳам ёритди.

«24 часа» интернет газетаси (24chasa.bg) қайд этишича, Болгария ва Ўзбекистон Президентлари Румен Радев ва Шавкат Мирзиёевнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган учрашувида иқтисодий ҳамкорликни ва ўзаро инвестициявий шерикликни ривожлантириш имкониятлари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантириш учун бизнес-форум ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватладилар. Президентлар икки мамлакатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги ўзаро манфаатли эканига эътибор қаратдилар. Икки мамлакатнинг минтақавий ва халқаро масалалар бўйича позициялари яқинлиги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

«Грузия Online» ахборот-таҳлил портали (apsny.ge) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни Нью-Йоркда Грузия Бош вазири Георгий Квирикашвилини қабул қилди, деб хабар беради. Учрашув чоғида товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш ва унинг номенклатурасини кенгайтириш, савдо-саноат палаталари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, савдо уйлари ташкил этиш ва қўшма кўргазмалар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

*Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи ҳамда унда илгари сурилган ташаббус ва таклифлар, ташриф доирасидаги учрашув ва тадбирлар хорижий оммавий ахборот воситалари ва интернет ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб турибди. Интернетда жойлаштирилган кўп сонли фикр ва муносабатлар шундан далолат беради. Бу жараён давом этмоқда.*

**ЎзА**

**БУ ТУРФА ОЛАМ**

## НОЁБ ОҚ ЖИРАФАЛАР



**Англиянинг "The Guardian" нашри хабар беришича, Кенияда тарихда илк бор оқ онабола жирафалар тасвирга олинди. Мазкур жирафаларни июнь ойида биринчи бўлиб маҳаллий аҳоли кўрган эди. Бироқ уларни тасвирга туширишнинг имкони бўлмаган.**

Олимлар жирафаларнинг мазкур ноёб тусини лейкиз, яъни ҳайвонлар ташқи қопламини қисман пигментацияга олиб келувчи мутация жараёни билан изоҳлашди. Бундай кўринишдаги жирафалар табиатда кам учрайди.

Умуман олганда, жирафа Халқаро табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг "ҳимоясиз ҳайвонлар" рўйхатига киритилган. Ҳисоб-китобларга кўра, бу жониворларнинг 8500 га яқини ёввойи табиат бағрида яшамоқда. Уларни асосан Сомали, Эфиопия жануби ва шимолий Кенияда учратиш мумкин.

## СКЛЕРОЗНИНГ ДАВОСИ ТОПИЛДИ



**АҚШ молекуляр биологлари тарқоқ склероз хасталигини ген терапияси орқали даволаш мумкинлигини исботлашди. Уларнинг фикрича, ҳеч қандай иммун ҳужайралари бош мия оғриғига салбий таъсир кўрсатмайди. Тадқиқот натижалари "Молекуляр терапия" номли журналда чоп этилди. Бу ҳақида "*Риа.новости*" хабар бермоқда.**

— Биз кутганимиздан ҳам аъло натижани олдик. Чунки бу даво усулимиз орқали дунё тиббиётини анчадан бери ўйга толдираётган жумбоққа жавоб топдик, деб ўйлайман. Ген терапияси дастлабки босқичдаги касалликка буткул барҳам бериб, тарқоқ склерознинг барча кўринишларига қарши курашувчи иммунитетни қайта тиклашга кўмаклашади. Яқин кунларда бу даво усулини ҳақиқий беморларда синовдан ўтказамиз, — дейди олимлардан бири Бред Ҳоффман.

Тарқоқ склероз асаб касалликларидан бири бўлиб, у асосан милеин моддаси етишмовчилиги натижасида ривожланади. Касаллик, асосан, бош мия ва орқа миянинг зарарланиши билан кечади. Бош мия ва орқа миянинг оқ моддасида миелин парданинг емирилиши (демиелинизация) сабабли чандиқлар пайдо бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, айни пайтда бу хасталик билан оғриганлар 2,3 миллиондан ошади. Ҳозирга қадар унинг аниқ давоси топилмаган эди.

Ҳоффман ва унинг жамоаси ана шундай хасталикни "ген терапияси" даво усули билан бартараф этишмоқчи.

## ОВОЗЛИ ҚОН ТАҲЛИЛИ УСУЛИ ЯРАТИЛДИ



**Бир гуруҳ шифокор ва олимлар овозли қон таҳлили методини ишлаб чиқишди. Тадқиқотчилар фикрча, мазкур усул қон таҳлилини турли параметрлар асосида аниқлаш жараёнини тезлаштирибгина қолмай, вақт ўтиши билан дунё тиббиётига биопсия текширувига ҳожат қолдирмайдиган янгича кўринишда кириб келади.**

Қон таркиби ҳақидаги маълумотларни сараловчи акустик қурилма икки қопламали акустик конвертердан ташкил топган микрогидродинамик каналдан иборат. Таъкидлаш керакки, мазкур усул ёрдамида узоғи билан 25 дақиқада тўлиқ қон таҳлили жавобларига эга бўлиш мумкин.

## ЧЎЛНИ БЎСТОНГА АЙЛАНТИРИШНИНГ ХИТОЙЧА ТАДБИРИ



**Хитойлик олимлар чўл ҳудудларини унумдор ерларга айлантириш имконини берадиган янги технологияни яратишди. Ярим йиллик тадқиқотлар давомида Чунсиндаги Сзяотун университети мутахассислари Ички Мўғулистоннинг 200 гектар лалми ерида ўзига хос воҳа яратишди.**

Ички Мўғулистон ҳудудининг ярмидан кўпи чўлдан иборат. Хитой ўрмонларининг энг катта қисми ҳам шу ерда жойлашган, у 248700 квадрат километр майдонни эгаллайди. Бироқ вақт ўтиб вазият ёмонлашиб, ўрмонлар қисқарди ва чўллашиш ҳолати кузатилди. Мазкур муаммонинг олдини олиш учун олимлар махсус паста ишлаб чиқишди. Ушбу паста ўсимликлар деворларида жойлашувчи моддадан иборат бўлиб, у ҳаво ва озиқ моддаларни ушлаб туришга хизмат қилади.

Олти ой давомида 200 гектар чўл маккажўхори, помидор плантацияларига айлантирилди. Айни пайтда ўрмонларни қайта тирилтириш лойиҳаси ишга туширилмоқда. Агар лойиҳа кутилган натижани берса, чўл ҳудудининг 50 фоизида дарахтлар қайта жонланади.

**Интернет манбалари асосида
Г.ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.**

## БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

***— Ўғлим тез кунларда чет элга кетаётганлиги сабабли унинг никоҳ тўйини қисқа муддатларда ўтказмоқчимиз. Бироқ, ФҲДЁ бўлими томонидан никоҳни қайд этиш муддати 1 ой деб айтилди. Ушбу муддатни қисқартириш мумкинми?***

Янгийўл шаҳридан
О.Абдуллаев

— Никоҳ тузувчи шахслар никоҳга кириш ҳақидаги ариза билан доимий яшаш жойларидаги ФҲДЁ бўлимига мурожаат қиладилар ва мазкур ариза ФҲДЁ органи ходими иштирокида имзоланади ҳамда у томонидан аризада кўрсатилган маълумотлар ариза берувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан текшириб қабул қилинади.

Аризанинг олд томони топшириш вақтида тўлдирилиб, ўша кундаги сана қўйилади.

Шундан сўнг, ФҲДЁ бўлими ходимлари томонидан никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади, мазкур йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтиб, натижаси юзасидан маълумотнома тақдим этилганда, аризанинг орқа томони тўлдирилади ва шу кундаги сана қўйилади.

Узрли сабаблар бўлганда ФҲДЁ органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Бунда узрли сабабларни тасдиқловчи – болаларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, тиббий муассасанинг келиннинг ҳомиладорлиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги ва шу каби ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

**Саволга Янгийўл тумани 2-ФҲДЁ бўлими инспектори Нодира АБДУҚОДИРОВА жавоб берди.**

## ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

# ДАВЛАТ АРБОБИ,

Шароф Рашидов ўз даврининг инсони. У ўзининг давлат раҳбарлигидаги чорак асрлик фаолияти давомида яхши ва ёмон дамларни бошидан кечирди, шунга қарамасдан, тақдирнинг барча синовларини мардларча енгиб ўтди. У Республика раҳбари бўлгунига қадар Олий совет президумига раҳбар, Самарқанд вилоят газетаси, сўнгра республика "Қизил Ўзбекистон" газетасига муҳаррирлик қилган чоғларида ҳам фидойи шахс эканини намоён этган эди.

Юртдошларимиз Шароф Рашидовнинг 100 йиллик юбилейини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Афсуски, йилдан-йилга бу буюк инсон билан ҳамнафас бўлиб ишлаган кишилар камайиб бормоқда.

Мадамин Ҳасанов ўтган асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб Шароф Рашидов билан ҳамнафас бўлиб хизмат қилган ана шундай инсонлардан бири. "Ўзбекбирлашув" республика идораси, кейинчалик Ўзбекистон савдо вазири бўлган Мадамин Ҳасанов улуғ давлат арбобини ҳамиша яхшилик билан ёдга олади.



***— Бугун, Мадамин Ҳасанович, сиздан бир зум мозийга қайтиб, Шароф Рашидов билан ҳамкорликдаги фаолиятингиз тўғрисидаги хотираларингизни ўртоқлашишни илтимос қилмоқчимиз. У киши билан қандай ҳолатда танишгансиз ёки кимлар илк учрашувга сабабчи бўлган?***

— Аввало, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори билан танишиб чиққач, кўнглимни қувонч ва ҳаяжон қамраб олди.

Мозийга қайтадиган бўлсам, 1956 йилнинг июнь ойида Москвада аспирантурани битириб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим ва қадрдон Андижонга қайтдим.

Ўша йилнинг октябрь ойида вилоятга сафари давомида Шароф Рашидов бизнинг туманга ҳам борди. Вилоят раҳбари мени у киши билан таништирди ва фаолиятим ҳақида қисқача тўхталди. Ўша кезлар Шароф ака Олий совет президиуми раиси эди.

Шундан кейин тўрт йилча Андижон ва Тошкентдаги турли анжуманларда Раҳбар билан кўришдим, ҳар сафар қисқа бўлсада, суҳбатлашиб турдик.

1964 йилда Тошкентда "Ўзбекбирлашув"нинг навбатдаги съезди бўлди, унинг доирасида Андижонга танишув сафари уюштирилди. Мен раҳбарлик қилган Матлубот жамиятидаги кўзга кўринарли ўзгаришлардан барча мамнун бўлди.

1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан бир ой ўтар-ўтмас Ш.Рашидов мени ҳузурларига чорлаб, Андижондаги хизматларимни эътироф этиб, "Ўзбекбирлашув" идорасига раислик вазифасини топширдилар.

Ўша йиллар пойтахт жуда катта бунёдкорлик майдонига айланган эди, тўрт томондан келган қурувчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш бизнинг зиммамизга тушганди, вазифаларимизни аъло даражада бажарганимиз учун Шароф аканинг эътиборини такроран қозона бошлаган эдик.

***— Тошкент метрополитени, Марказий Осиёда энг баланд телеминора, муҳташам "Халқлар дўстлиги" (ҳозирги "Истиқлол) саройи, саноқсиз тураржойлар, миллионлаб гектар ўзлаштирилган чўлу биёбонлар, барчасини санаб адоғига етолмаганимиз кўплаб лойиҳалар Шароф Рашидовдан қолган чинакам ХОТИРАлардир. У киши билан ўзаро суҳбатлар чоғида бу каби ғоя ва режалар, уларни амалга ошириш тўғрисида гап борганмиди?***

— 1966 йилдан то у кишининг умрлари охиригача бевосита Раҳбар билан бақамти ишлаганман. Бу даврдаги барча бунёдкорлик ишларининг режалаштирилишидан тортиб, уларни амалга оширишдаги барча тафсилотларидан деярли бевосита хабардор бўлганман.

Шарқ дарвозаси, деб аталган шаҳарни қайта қуришнинг бош архитектори эди, десам сираям муболаға бўлмайди. Сиз эслатган катта иншоотларнинг ҳар бири тўғрисида соатлаб гапириб беришим мумкин. Бугун айримлари тўғрисида тўхталаман. Метро қурилиши лойиҳаси зилзиладан кейиноқ бошланган. Москванинг жиддий эътирозларига қарамай, 1971 йилда лойиҳа тасдиқланган. Қаршиликлар эса давом этаверган, Тошкентда тез-тез ер силкиниб туради, бу жуда хавфли, каби ваҳимали гаплар кўп ва хўп гапириларди.

Ёки ҳозирги "Истиқлол" саройи тўғрисида ҳам бўлар-бўлмас гаплар кўп бўлган. Зилзила оқибатида "Ўзбекбирлашув" идорасининг эски биноси ҳам тутдек тўкилиб тушган эди. Ўша йиллари тураржой қурилишига кўпроқ эътибор берилгани боис, Тошкентда маъмурий бинолар қуриш вақтинчалик тўхтатилганди. Шароф ака истисно тариқасида бизга янги бино қуришни қўллаб-қувватладилар, табиийки, рухсатни Москвадан олиш шарт эди. Киевдаги лойиҳа институтида бинонинг макети ясалди. Меҳмонхона, ресторан, катта спорт зали бўлган 21 қаватли бино тарҳи, дарҳақиқат, муҳташам кўринарди. Бошқа республикаларда бўлмаган бундай иншоот нима учун Тошкентда бўлиши керак, деган эътирозлар бўлди. Иттифоқ юқори идоралари раҳбарлари билан Шароф Рашидович эринмай музокаралар олиб борди. Хуллас, бинонинг қаватини, меҳмонхонанинг хоналарини ва конференц-залнинг ҳажмини қисқартириш шарти билан қурилишга рухсат олинди. Ўша пайтда пойтахтнинг энг кўркам ва баланд иморати қурилишининг ташкилий ишларига Раҳбарнинг шахсан ўзи бош-қош бўлди, унинг очилиш маросимида қатнашди.

7 йил қурилиши давом этган бу бино ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясидир.

# ҲОЗИРЧА "ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ"



## шохобчаси жойлашган бинони сотиб юборишди...

**Дунёда инсон саломатлигидан бебаҳо неъмат борми? Мамлакатимизда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли тўсатдан ҳаётга хавф солувчи кўпгина касалликларни ҳар томонлама даволашнинг замонавий усуллари амалиётга татбиқ этилмоқда. Айниқса, юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги шифохоналар, кўп тармоқли поликлиникалар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, халқаро талаблар даражасида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишига алоҳида эътибор берилаётгани кишини хурсанд қилади. Бундай ғамхўрликлардан ҳеч ким четда қолмаслиги керак, аслида.**

Таҳририятимизга масъулиятсизлиги ёки бошқаларнинг манфаатидан ўзиникини устун қўйиши оқибатида айрим оёғи ердан узилган, иззатталаб раҳбарлар устидан кўплаб шикоят хатлари келади. Ҳар бир мактуб ортида инсон тақдири турганлигини инобатга олиб, баъзан сувга этик ечмай тушган пайтларимиз ҳам бўлган. Лекин эл-улус манфаати олдида ҳар қандай зиддиятга чидаб, адолат қарор топишига кўмаклашиш бурчимиздир.

Саҳифадаги "фельетон" сўзини ўқиб, бироз ошириб юборишибди, деб ўйлагандирсиз, эҳтимол. Бўлиб ўтган воқеалар билан танишар экансиз, нафақат фельетон, балки айбдорларга нисбатан жиноий иш очиш керак эди, деб хулосалашингиз шубҳасиздир.

Воқеа ривожига эътибор қилинг.

Зангиота туманидаги Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғинидан келган шикоятлар билан бир бошдан танишиб, муаммонинг ечими туман раҳбарларининг ўз қўлида эканига амин бўлдигу, нега уларнинг қилғиликни қилиб, шу пайтгача жим юришганига ҳайрон бўлдик.

Ҳамма гап, тўққиз маҳалланинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлган, салкам ўттиз мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқдаги Назарбек "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси жойлашган бинонинг кимошди савдоси орқали 143,0 миллион сўмга сотиб юборилганидан бошланди. Албатта, одамларга фойдаси тегиб турган, ўз вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатиб, аҳолининг ишончини қозонган, аниқроғи, чақирганда ёки боришга ҳамма учун қулай бўлган тиббиёт шохобчасидан ажралиб қолиш жазирамада қор ёққандек воқеа бўлди. Ҳе йўқ, бе йўқ, 2013 йил май ойида туппа-тузук фаолият кўрсатиб турган мазкур шохобчанинг дуппа-дуруст биноси ва ҳовлиси аукционга қўйилиб, сотилганига маҳалладагилар бепарво қараб туролмади. Кўпники барибир кўпники-да, улар ҳаловатини йўқотганча бор. Бир пайтлар хусусийлаштиришнинг муккасидан кетиб, у маданият уйлари бўладими, кино, театру қишлоқ хўжалигига қарашли техника парклари, борингки, ферма, корхона, ҳатто молхоналару цехларгача қайси бир уддабуронларга арзон-гаровга сотиб юборилди. Энди кўзимизни очиб, чор-атрофга қарасак, ўша мулкларнинг кўпи таг-туги билан йўқолиб кетган, борлари ярокциз аҳволга келиб қолган. Тикласа бўладиганлари ҳам ишнинг кўзини билмайдиганларнинг қўлида қандай бўлса, шундайлигича "чолдевор"га айланиб ётибди. На одамларга фойдаси тегади, на иқтисодиётимиз сармоясига сармоя қўшади. Умум мулкка ўз мулкимиздек қарасак, бу бошқа гап. Лекин ҳозир кўпчиликда бу тушунча йўқолиб, ҳамма нарсага эгалик қилиш ҳисси билан яшаётганидан таажжубга тушасан, киши. Табиийки, Назарбек "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси биноси сотилганидан кейин қисқа фурсатда, мазкур тиббиёт шохобчаси "Назарбек" МФЙнинг идорасидаги мослашмаган тор кутубхонага, у ердан ҳам қўним топмагач, маҳалла гузаридаги чойхонага кўчиб ўтишга мажбур бўлди. Қаранг-а, "тез ёрдам" шохобчаси чойхонага кўчирилса, кулгили эмас-ми? Бу қарорга келган раҳбарни ким деб аташ мумкин? Ҳатто "масхарабоз", деган сўз ҳам ҳайф ўшандайларга.

Хўш, оқибат қандай бўлди? Бино кўча ичкарисида жойлашгани учун аҳолига кўпгина қийинчиликлар туғдирди. Шошилинч вазиятларда қидириб топиш мушкул, беморларга хизмат кўрсатиш учун йўллар ноқулай, антисанитар ҳолатда, хуллас, бундан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмади. Маҳалла фаоллари маслаҳатлашиб, Зангиота тумани ҳокимига мазкур шохобчанинг сотилиши билан боғлиқ муаммолар қайта кўриб чиқилиб, тиббиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган лойиҳа ва манзилли дастурлар бўйича (лойиҳалаш – 2013 йил, қурилиш – 2014 йил) режасига киритиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳоз-

## Фельетон

лашга ёрдам беришлари учун илтимоснома билан чиқишди. Мазкур илтимоснома 2013 йил 5 декабрда туман ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилиб, "Назарбек" ҚФЙнинг ҳудудида замонавий типдаги тез тиббий ёрдам шохобчаси қайта қурилишига ёрдам бериш учун вилоят ҳокимлигига расмий хат билан мурожаат қилинди. Қани, буёғи нима бўларкан, деб юрак ҳовучлаб турган маҳалладагилар вилоят ҳокимлигидан 2013 — 2015 йилларда янгидан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектлар рўйхати шакллантирилгани, 2015 йилги Инвестиция дастурига ушбу тез тиббий ёрдам шохобчаси биноси киритилиши ҳақидаги хабардан бироз хотиржам тортишди.

Аммо бу гал ҳам натижа бўлмади. Хўш, нега мутасаддилар берган ваъдасининг устидан чиқмади? Буни пайсалга солиб келишдан мақсад нима? Аҳолига ўз вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатиш кичкина масала эмас-ку, ахир?! Аҳоли саломатлигига масъул бўлган вазирлик қачон бунга эътибор беради? Бундай хайрли ишга ким бош-қош бўлиши керак, ўзи? Ахир, минг-минглаб одамлар тез ёрдамга муҳтож бўлиб турган пайтда боши-кети йўқ дастур тузиб ўтирадиган вақтми? Бундай ҳолатларда шошилинч чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, муаммони жойида ҳал этиш кимнинг вазифаси? Минглаб аҳоли кўз тикиб турибди, бу ҳақида ўйлаяпти, қайғуряпти. Натижа эса йўқ. Ҳатто муаммони ўрганиш учун ҳаракат ҳам қилинаётгани йўқ. Маҳалла фаолларининг кўнгли бўлмай, орадан икки йил ўтиб, яна шу масала юзасидан 2017 йил туман ҳокимига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Аҳолига яқин кунларда Назарбек "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси учун янги бино қурилишида 19-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳудудидан жой ажратилгани, ер майдони аниқлангани, бино чизмаларини тайёрлаш юзасидан туман ЕТ ва КМК ҳудудий бўлими ҳамда бош архитекторига топшириқлар берилгани маълум қилинди. Лекин калаванинг учи 2017 йил 4 сентябрда Зангиота туманидаги "Халқ қабулхонаси"да янги ҳоким билан бўлиб ўтган учрашувдан кейин яна чигаллашиб кетди. Энди Назарбек "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси биноси 2018 йилдаги Инвестиция дастурига киритилиб, давлат ҳисобидан қуриб бериладиган бўлибди. Шунга қарамай, маҳалла фаоллари мазкур тиббиёт шохобчаси биносини қуриш учун таклиф этилган жойни кўриб, шунга ҳам хурсанд бўлганди. Шу орада Зангиота тумани иккига бўлиниб, Тошкент ва Зангиота туманлари ҳудудига ажратилди. Назарбек ҚФЙнинг туманига ўтди. "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси масаласининг ечими яна муаммога айланди.

Шу ўринда, бир гуруҳ маҳалла фаолларининг 2013 йил 30 ноябрда ёзган "Илтимоснома"сидан бир лавҳа келтириб ўтишни ўринли билдик: "*Бугун юртимизнинг энг чекка туманларида нафақат шифохоналар, балки замонавий соғломлаштириш масканлари барпо этилаётган бир пайтда қишлоғимиздаги рентгенхонани кимошди савдосига қўйиб, сотиб юборишнинг нима кераги бор эди? Шу баҳонада, "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси биноси ҳам сотилиб кетгани ҳаммамизни ранжитди. Биласиз, ҳар куни аҳолининг тез тиббий ёрдамга иши тушиб туради. Шу масалани тез ва ижобий ҳал қилиб беришингизни сўраймиз...*".

Қаранг-а, Назарбек "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси биноси тўрт ярим йилдан бери бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрган бўлса-да, биронбир мутасаддининг буйраги "булк" этмаса?! Эътиборсизлик эви билан-да! "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси аҳолининг ўзигагина кераклиги учун ўзлари у эшикдан, бу эшикка чопиб юрибди. Зангиотага қанчадан-қанча ҳаммаёғи "сипсиллиқ" раҳбарлар келиб-кетишибди-ю, бирортаси "Тез тиббий ёрдам" масаласини ўйлаб кўрмабди.

Ҳа, ҳалигача орамизда халққа қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмайдиган, ҳатто инсон ҳаёти учун муҳим бўлган масалаларга ҳам панжа орасидан қарайдиган ишбошилар оз эмас экан.

Яна бир мулоҳаза. Илгарилари одамлар боғча, мактаб ёки шифохонани бузиш нарёғда турсин, ҳатто кўзини олайтириб қарашга ботинолмасди. Чунки бири инсонга билим берса, иккинчиси саломатлиги билан боғлиқлигини ҳамма яхши тушунарди.

Таҳририят бу масалани ўз назоратига олади. Воқеа ривожини кузатиб боринг.

Ҳозирча, хулоса: эзгуликнинг эрта-кечи йўқ. Шунча куйинчакликдан кейин мутасаддиларимизнинг назари Назарбек "Тез тиббий ёрдам" шохобчаси учун масъул одамларга қадалар. «Шу ишни ҳам битиролмасанг, кимсан ўзи?!", деган саволни берар... эҳтимол. Халқ саломатлиги бу — бебаҳо бойлик. Уни асраш учун ҳамма масъул.

**Шикоят хатлари асосида "Hurriyat" мухбири Адиба УМИРОВА тайёрлади.**

## РАҒБАТ

**Санъатнинг ҳар бир тури ўз мазмун-моҳияти, шаклу шамойили, ифода воситалари, таъсир доираси билан бир-биридан яққол ажралиб туради, Айниқса, рақс санъати ўзига хос ифода воситалари билан инсон қалбига, унинг онгу шуурига ҳузур бағишлайди. Негаки, рақсдаги ҳар бир хатти-ҳаракат, имо-ишора, миллий либос ғайриихтиёрий тарзда ўзини англаган ҳар бир одамга таъсир кўрсатади, рақс оламининг сирли ва сеҳрли гўшаларига бошлаб кетади.**

# Мафтункор санъат ниҳоллари



Рақснинг сирли жозибаси ҳақида кўп ва хўп ёзилган, бундан кейин ҳам ёзилади. Чунки ўзбек раққос ва рақкосаларининг бетакрор ижро маҳорати бизга ҳар доим илҳом бағишлаб, қўлга қалам олишга ундайди. Мана, яқинда "Ниҳол" мукофоти совриндорлари эълон қилинди. Уларнинг орасида икки рақкос ва бир рақкосанинг борлиги кўнгилларга сурур бағишлади. Аввало, уларнинг исмларига эътибор берайлик: *Шерзод, Тигран (Йўлбарс), Дилором.* Учаласи ҳам бир неча йиллардан бери рақс санъатининг заҳматини тотиб, суяги меҳнатда қотиб келаётган ёшлар. Эл эътиборига сазовор бўлган, қатор нуфузли танловларнинг ғолиблари. Улар Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида рақс сир-синоатларини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Шерзод Кенжабоев Қорақалпоғистондан. У ўзининг жозибали рақси, шаҳдам қадами билан эркакча рақс ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёш рақкос. Унинг ҳар бир рақсида йигитларга хос қатъият, эпчиллик сезилиб туради. Шерзоднинг саҳнада ўзини тутиши, рақс уммонида "адоқсиз сайр этиши" ҳар қандай томошабинни ўзига ром этади.

Тигран Абдуллаев Жиззахдан. Болалигидан рақсга меҳр қўйган, рақснинг сеҳрли жозибасини дилдан туйган йигит. У ижро этаётган рақсларда ўзбек йигитларига хос ўктамлик, бағрикенглик, шиддат ва шижоат, халқ тарихидан бохабарлик уфуриб туради. Шу боисдан ҳам Тигран ижросидаги рақслар нафақат республикамизда, балки хориж саҳналарида ҳам юқори баҳоланиб, бир қатор танловларнинг гран-присига сазовор бўлган.

Дилором Мадраҳимова ижро этган рақслар аллақачон эл орасида эътироф этилган. Негаки, санъаткорлар оиласида улғайган Дилором ҳозирга қадар жуда кўп нуфузли тадбирларда, концерт дастурларида яккахон рақкоса сифатида довруқ қозонган. У буюк санъаткор Мукаррама Турғунбоеванинг ҳақиқий издоши бўлишга астойдил интилади, бу борада тинимсиз изланади, китоблар ўқийди, устозларидан ўрганади. Шу сабабли бўлса керак, Дилором ижросидаги ҳар бир рақс ўз жозибаси, нафис жилоси билан томошабинларни ўзига оҳанрабодек тортиб туради.

Шаҳсан ўзим ўзбек миллий рақсининг довруғини дунёга танитиш иштиёқида меҳнат қилаётган, "Ниҳол" давлат мукофотининг 2017 йилги совриндорлари Шерзод Кенжабоев, Тигран Абдуллаев, Дилором Мадраҳимовалар билан бир олий даргоҳда таҳсил олаётганимдан фахрланаман. Ўйлайманки, улар вақти келиб халқимиз севган санъаткорларга айланади. Ўзбек миллий рақсининг довруғини дунёга таратишади.

**Инжубону КАМОЛИДДИНОВА,
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси**

# ИЖОДКОР ВА ОДДИЙ ИНСОН

Шароф ака кўнгли очиқ, самимий инсон эди. Бир сафар ҳузурларида суҳбатлашиб ўтирганимизда, Италия сафаридан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар. "Кўчаларнинг шундоқ бўйида бир-бирини такрорламайдиган ресторанларни кўриб ҳуш учди. Бизда ҳам шундай йўл ёқасида емакхоналар бўлишини ният қилдим. Сиз шу ишни зиммангизга оласиз", дедилар.

Бунинг иложи йўқ, дедим мен ҳам дангалига. Шароф ака қанчалик бағрикенг инсон бўлсалар-да, фикрларига унча-мунча одам юрак ютиб эътироз билдиролмасди. Сабабини эшитай, дегандек юзимга тик қарадилар.

Италияда мунтазам ёғингарчилик бўлиб туради, деярли чанг йўқ, бизда эса ҳар томон чанг, деб ўзимни оқладим-у, яна ўйланиб қолдим. Ўша заҳоти уларнинг топшириқларини бажаришга мойиллик билдириш оҳангида Тошкентдан Жиззахга кетишда тоғнинг тепасида, Сангзор дарёси бўйида сиз айтган илк лойиҳани амалга ошираман, деб ваъда бердим. Машҳур "Амир Темур дарвозаси"нинг шундоқ тепасида кўркам мажмуа бунёд этилди, унда шинамгина ресторан фонтани билан, савдо дўконлари, ихчам меҳмонхона ҳам бор эди.

Уни бориб кўрганларидан кейин бошқа вилоятларда ҳам шунақа жойларни бунёд этишни тайинладилар. Қамчиқ довонида, Қашқадарёнинг Мингчинорида, Сурхондарёнинг Санжак тоғ ёнбағрида ва бошқалар шулар жумласидандир.

Яна бир мисол. Пойтахтнинг эски шаҳар қисмида сут маҳсулотлари магазини қурилиши режалаштирилган эди. Шароф аканинг тавсияси билан у ерга эски "Болалар дунёси" номи билан машҳур бўлган савдо мажмуаси очилди. Очилиш маросимида иштирок этган республика Раҳбари "энди навбат бозор қурилишига" деб "Ўзбекбирлашув"га Эски Жўва мажмуасини бунёд этиш топширилди.

***— Рашидов — Республика раҳбари, журналист, ёзувчи, ижодкор сиймо. Бир сўз билан айтганда, ўзбек халқининг содиқ фарзанди. Шубҳасизки, халқимиз ҳам Раҳбарини ҳурмат қилган, ўз навбатида, у киши ҳам аҳоли мурожаатларини сираям эътиборсиз қолдирмаган. Вилоятларга тез-тез чиқиб турган, қишлоқ хўжалиги ходимлари, завод-фабрика ишчилари билан кўришиб турган. Табиийки, бу учрашувлардан Раҳбар илҳом, куч-қувват олган. Сизнингча, у қандай инсон эди?***

— Шароф Рашидовга яхши таъриф бердингиз. У киши ажойиб инсон эди, маданиятли, зиёли, одамгарчиликнинг энг чўққисини эгаллаган эди. Камтарларнинг камтари эди. Одамлар айб иш қилиб қўйса ҳам ҳеч қачон уларга нисбатан овозини баландлатмаган. Халқини дилидан севадиган, Ватанини эъзозлайдиган, ватанпарвар инсон эди. Юқори идораларнинг бюро мажлисларида кўп қатнашганман, ўша айбдор инсоннинг хатоларини хаспўшлашдан кўра, уни тўғри йўлга солиш тарафдори бўлар эдилар.

Оилалари билан шахсан таниш бўлмаганман. Ҳиндистон бош вазирининг ташрифи чоғида унга ҳамроҳлик қилиш менга топширилганди. Олий даражадаги меҳмон "мени Шастри вафот этган жойга олиб бор", деб илтимос қилди. Кейин билсам, бу жой Шароф аканинг хонадонидан унча узоқ эмас экан. Ўшанда Раҳбарнинг мўъжазгина уйлари манзилидан бохабар бўлганман.

Аёлларини тадбирларда кўрардим холос, доим икки қўллари кўксиларида эди. Фарзандлари билан мулоқотда бўлмаганман. Ака-укалари ҳам ўзларига ўхшаган жуда одобли инсонлар эди. Улар ҳеч қачон "мен фалон кишининг акаси ё укасиман" деганини эшитмаганман.

У киши халқ билан мулоқот қилишни севар эди. Ҳеч қачон одамлар билан суҳбатдан қочмаган. Аксинча, улардан маслаҳат олар эди.

Юқорида айтганимдек, "Ўзбекбирлашув" идорасининг янги биноси очилиш маросимида иштирок этган эдилар. "Меҳмонлар ташриф-китоби"га биринчи бўлиб таассуротларини ёзиб беришни илтимос қилдим. Ёнларига ручка олмаган эканлар, ўзимникини бердим. Дастхат ёзиб бўлгач, уни чўнтакларига солиб кетдилар. Эртасига эрталаб Шароф аканинг ёрдамчилари телефон қилиб, "роса хижолат бўлдилар, ручкангизни олиб кетиб қолибдилар, узр айтиб, уни сизга етказиб беришимни тайинладилар", деди. Бу Шароф аканинг нақадар ҳалол инсон бўлганини яққол тасдиқлайдиган мисолдир.

***— Советлар даврида иттифоқдош республикаларнинг мустақиллиги тўғрисида гапириш у ёқда турсин, бу тўғрида фикр юритиш ҳам имконсиз эди. Республика жилови Кремл қўлида экани боис нохуш ҳолатларга дуч келиш, юрак эзилиши ҳоллари рўй бериши мумкин эди. Ана шундай кезларда Шароф Рашидов бир кун келиб Ўзбекистон ўз эркига эга бўлиши, юрт озодлиги орзуси билан яшаганмикин, деган савол ўқувчида туғилиши табиий. Сиз билан суҳбатларда Раҳбар ақалли бир марта суверинитет мавзусида гапирганмилар?***

— Гапнинг индаллосини айтганда, эски жамиятда бунақа фикр юритиш ҳам жиноят ҳисобланарди, бунақа фикрларни ўқиб юрадиган махсус идоралар бор эди... Шунинг учун мен билан ё бошқа кишиларнинг оғзидан Раҳбардан бунақа фикр чиққанини эшитмаганман. Буни тўғри қабул қилиш керак. Аммо, имоним комилки, у кишининг ич-ичидан шундай фикрлар ўтиб турган...

***— Ҳукуматимизнинг икки қарори тўғрисидаги фикрингизни билмоқчи эдим. Биринчиси, 1984 йилнинг 5 январидаги "Ш.Р.Рашидов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида" ва 1986 йилнинг 22 майдаги "Ш.Р.Рашидов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарорини бекор қилиш тўғрисида"ги. Бу қарорлар эълон қилинганда сизнинг дилингиздан нималар кечди?***

— Биринчи чиққан қарордан республика аҳлининг қувончи чексиз эди, чунки Раҳбар барча илтифоту мақтовларга лойиқ инсон эди, орқасидан кўп яхши хотиралар қолдириб кетди.

Афсуски, Шароф Рашидов вафотидан кейин ҳамма ҳам у кишига садоқат кўрсатмади. Бу бевафо дунёда одамлар ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас, яхшиси ҳам бўлади, ёмони ҳам. Ёмонга қараб яхшилар, яхшига қараб ундан ҳам яхшироқлар кўпаяди.

Мураккаб замонларни ҳам кўрдик, кечаги яхши одам, эртасига ёмонотлиққа чиқарилди. Икки йиллик хурсандчилик Шароф ака хотирасини абадийлаштириш қарорининг бекор қилиниши билан якунланди. Республика раҳбарияти даражасида қоралаш кампанияси бошланиб кетди. Афсуски, кейин у кишининг муборак исми тилга олинмайдиган бўлди, айрим раҳбарларнинг обрўси тушиб кетадигандек гўё...

***— Мадамин ака, мен саволларимга қониқарли жавоблар олдим, миннатдорман. Шароф Рашидов тўғрисида яна нималарни айтишни истардингиз?***

— Шароф ака тўғрисида ҳамма билган гапларимни айтиб бўлдим, десам нотўғри бўлади. Бундай инсонларни хотирлаш, уларни яхши сўзлар билан эслаш ота-боболаримиздан қолган удум.

Мен сизга Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" шеъри билан боғлиқ бир тарихий воқеани айтиб берай. Касалхонада даволанаётган қариндошим зиёратига борсам, унинг ҳамхонаси Эркин деган шоир экан, ҳали унчалик танилмаган, аммо унинг қаламига мансуб "Ўзбегим" қасидаси тез тарқаб улгурган пайт эди.

Анча хомуш эди шоир йигит. Сабабини суриштирсам, ўзи бир нима демади, қариндошим унинг ўрнига ўша шеъри учун анча маломатга қолганини гапириб берди. Кўнглини кўтарадиган гаплар айтиб хонадан чиқиб кетдим. Икки кундан кейин Шароф Рашидович ҳузурларига чорлаб қолди. Асосий мавзу биттач, суҳбатни ёшлар, ёш ижодкорлар асарларига бурдим ва "Ўзбегим"дан гап очдим, муаллифнинг ҳозирги аҳволидан воқиф этдим.

Аслида миллий ифтихоримиз бўлиши лозим бўлган шеър, унинг муаллифини бошимизга кўтаришимиз лозим, керак бўлса, бу шеър учун ҳайкал қўйиш керак, деб юбордим ўзим билмаган ҳолда. Ёш шоирни фақат Сиз қутқариб қола оласиз, бўлмаса, ижодкорнинг умри завол бўлади, дедим ачиниш ва ёлвориш оҳангида.

У киши бироз ўйга чўмиб, "сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз", дея олдилар маъюсгина.

Эртасига касалхонага бориб, ёш шоирга "хафа бўлма, ишларинг яхши бўлади", деб тасалли бердим. Дарҳақиқат, ёш шоир азоблардан қутулди. Шароф ака нима қилган, ким билан гаплашган, менга қоронғу! Энг муҳими — натижа ижобий эди. Шундай қилиб, митти юлдуз бора-бора ёрқин порлади!..

***— Сизнингча, Шароф Рашидовични ҳозирги замонавий Ўзбекистоннинг пойдеворини қўйишга катта ҳисса қўшган, десак бўладими?***

— Албатта! Тошкентда ёки ҳар бир вилоятда унинг қўли тегмаган, ё оёғи етмаган жой бормикан?.. Элим деб, юртим деб жон куйдирган одамнинг буюк намунасини шу киши тимсолида кўриш мумкин! Ўлкамизнинг ҳар ерида ҳали замон халқимизга хизмат қилаётган у кишидан қолган улкан хотиралар бор. Шароф аканинг ибратли ишлари, бу дунёда орттириб кетган ҳурмат-обрўлари дунё тургунча туради.

**Аброр ХОН суҳбатлашди.**

# Меҳри дарё устозлар

## ЎТМИШДАН БИР ШИНГИЛ

### "МЕН АРТИСТ ЭМАСМАН"

Садриддин Айнийнинг таълимини олган, унинг раҳбарлигида жуда катта ижодий мактаблардан ўтган ўнлаб таниқли шоиру ёзувчиларни, алломаларни биламиз.

Домла Айнийнинг ўта талабчанлиги, айниқса, чинакамига истеъдоди бор ёшлар билан шуғулланганида кўпроқ сезилар экан. Машҳур кинорежиссёр Борис Кимёгаров "Ёш ёзувчилар билан иш" мавзусида ҳужжатли фильм тайёрламоқчи бўлади. Домлани зўрға кўндиради. Ана, бўлажак адиб ўз қўлёзмасини ўқиб бераяпти.

— Тўхта.

Бир қалққан шогирд ўқишдан тўхтайди.

— Сўнгги жумлани қайтар.

Шогирднинг ранги оқаради. У баттар ўзини йўқотаркан, жумлани такрорлайди-ю, қўли мушт бўлиб тугилади устознинг. Ҳозир аямай дўббосламаса бўлгани.

— Стоп, стоп! — дейди норози оҳангда Кимёгаров. — Устоз, унчаликмас-да! Суратга оляпмиз, ахир. Худо ҳаққи, сал қовоғингизни очинг!

— Нима? — режиссёрга ўқрайиб қарайди домла Айний.

— Фильм, оляпмиз, фильм! Кўрган нима дейди? Танбеҳни кейинроққа қолдириб... табассум қилсангиз. Илтимос!

— Табассум қилайми? Манави ландовур қон қилиб юборяпти-ю, кулайми сен фильм оляпсан, деб? Мен сенга артистмидим ё масхарабозми? Йиғиштир ашқолдашқолингни!

### "МЕНИ ҒАФУР ҒУЛОМ ҲАЙДАБ СОЛГАН!"

Ғафур Ғулом шогирдларга қандай муносабатда эди? Остонасига келганни қандай қаршиларди?

Барваста гавдали эди шоир. Қўллари катта ва мускуллари бақувват.

Чимирилган қошлари ва синчков боқишларида ҳам бир салобат. Яқинлашишга журъат керак.

Кимдир хижолат билан эшик қоқяпти. Эгнида шоҳи яктак, белида белбоғ, бошида дўппи, юзидан нур таралаётган уй эгаси пешвоз чиқади:

— Келсинлар, келсинлар!

Устознинг "ўзбекман, содда..." деб ёзгани эсига тушаркан, ҳаваскор енгил тортади, ўз остонасини ҳатлаётгандай дадил одимлайди. Марҳаматли инсоннинг уйида бўлиш, маънавий хазинадан нимадир "ундириш" толиби илмга катта мукофот. Бир олам таассурот ва миннатдорлик ҳисси билан изига қайтар экан келган меҳмон:



— Ҳамма ҳамми?

Замондошлари Ғафур Ғуломнинг маврид-бемаврид безовта қилган баъзи талаба ёки ҳаваскорларни эшикдан ҳайдаб солганига ҳам гувоҳ бўлишган. Аммо ҳайдалган бўлса-да, хафа бўлмаган, аксинча, "Мени Ғафур Ғуломдек буюк инсон ҳайдаб солди!" дея фахрланиб юрган, "эшикдан чиқиб, тешикдан кирган"у, барака топганлар ҳам талай.

### "АДАБИЁТ ЖАРОҲАТЛАРИ"ГА ЗЎР МАЛҲАМ



Устоз Абдулла Қаҳҳор ҳам бағоят талабчан ва қаттиққўл инсон бўлганлар. Хафа бўлади, деб ўйлаб ўтирмай, ҳақ гапни айтган-қўйган. Атрофига тўпланган ёш шоир ва ёзувчиларга ҳам. "Сиз бошқа тирикчилик қилинг, адабиётни овора қилманг!" дер экан нўноқ шогирдга. Туққанингга ёқмаган ҳақ гап шогирдингга ёқармиди?

Айрим шогирдлар бошқа қорасини кўрсатмай, хафа бўлиб юришар экан устоздан. "Мунча заҳар бўлмаса..."

Лекин ҳақ гапнинг "заҳри" энг зўр малҳам ҳам эди «адабиёт жароҳатлари»га.

### "УСТОЗ УЙИ — ЎЗ УЙИМИЗ"

— Тортинмай кираверинг, қоқиндиқларим.

Айтишларича, Комил Яшин ва Ҳалима Носировалар эшиги шогирдлар учун ҳамиша очиқ экан.

— Ўз уйингиздек ҳис қилинглар!

Комил ака бир хонада ёш ёзувчи билан шуғулланса, Ҳалима опа бошқа хонада ёш санъаткорга сабоқ бераяпти.

Алламаҳал. Баъзилар хайрлашиб жўнаб қолишган. Айримларнинг эса кетиш нияти йўқ. "Тунаб қоламиз".

Уй эгалари хобхонага кириб дам олаётган вақтда, яъни ярим кечада, қорни очиб қолган кимдир овқат пиширар, кимнингдир илҳоми келиб балконда қоғоз қоралар, биров пианино чалар, шериги опералардан ариялар айтарди.

"Айланай, ўргилай" деган сўзлар бағрикенг устознинг тилидан тушмай турса, шу-да.

### УСТОЗ КАЙФИЯТИ ШОГИРДГА БОҒЛИҚМИ?

Ҳамид Олимжон Жиззахдан Самарқандга келиб педагогика билим юртига ўқишга кирганида 14 ёшда эди. У ерда жиддий мутолаага бел боғлади, хусусан, Шарқ классик шеъриятини ўргана бошлади. Ўзи ҳам шеър машқ қилар, Абдурауф Фитрат назаридан ўтказарди.

Бир куни устознинг қаттиққўллиги сабаб оралари кескинлашди-ю, Ҳамид Олимжон машқларга тўла дафтарини йиртиб ташлади.

— Яхши, — деди домла Фитрат маънодор жилмайиб. — Аллақачон шундай қилишинг керак эди. Сендан шоир чиқмайди, укам!

Ҳамид Олимжон бир аҳволда чиқиб кетди. Бир неча кун ўзига келолмади. Кўнгли совиган. Бироқ адабиётсиз, ижодсиз яшай олмаганини сезгач, яна қалам ва қоғоз олди. Хуллас, бир неча шеър билан тағин Фитратнинг ҳузурида пайдо бўлди.

— Ҳм-м... — Фитрат хўмрайганча машқларини ўқиётганди, қўққисдан:

— Во, манави ери ёмонмас, — қовоғини очиб, юрак ҳовучлаб ўтирган Ҳамид Олимжонга илиқ боқди. — Манави сатрларда нимадир бор. Бўларкан-ку!

Ҳамид Олимжон енгил нафас торди. "Худога шукур-э!"

Фитрат ўша куни руҳи кўтарилган ёш ҳаваскорнинг икки шеърини танлаб олди.

— Сендан шоир чиқмайди, деб янглишганман чоғи. Бўласан! Башартики, жиддий шуғуллансанг, — устоз нимадир топгандай мамнун эди.

Ҳа, бундай ҳолларда устозлар кайфияти шогирдлар ижодининг савиясига боғлиқ эди: улар гоҳо боладек суюнар, гоҳида лов этиб ёнарди.

Ҳаял ўтмай Ҳамид Олимжон шоир сифатида танилди. У энди ҳар қандай устознинг қаттиққўллигида бир ҳикмат кўрар, Абдурауф Фитрат эса шундай ёрқин истеъдоднинг кашф этилишида сабаб бўлганидан фахрланарди.

### ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ...

Икки ёш олимага:

— Чархий домланинг ҳузурига боринг. Мўйсафид — тирик манба, барча керакли маълумотларни олишингиз мумкин, — дейишганда улар қувонишди: "Яхши. Домла — ўз устозимиз!"

Поезд эрталаб Қўқонга етиб келди. Олималар бозордан иссиқ нон, мева-чева харид қилишди. Тошкентлик меҳмонларни кўриб домла хурсанд бўлиб кетди:

— Зап кепсизлар-да. Марҳабо!

Ўтирдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

— Нима кўтариб келдинглар, асалларим? Овора бўлиб-а.

— Овораси борми, устоз! Бирга нонушта қиламиз. Примусингиз бор эди-я? Мен чой қўяй, — шундай деб олималардан бири ошхона томон кетди.

— Кўришмаганимизгаям анча бўлди, — деди домла иккинчи меҳмонга. — Шакарим, уйичилар яхшими?

— Худога шукр. Ўзингиз соғомонмисиз? Ижодлар қалай, чарчамаяпсизми?

Домла қариликдан шикоят қилди. Сўнгра чой қўйиб эндигина келиб ўтирган иккинчи олимага юзланди:

— Болалар катта бўлишяптими? Куёв бола яхши юриптими?

У бир қалққандай бўлди-ю, дарров ўзини қўлга олди-да:

— Куёв бола йўқ, — деди. — Кетди.

— Кет...ди? — ялт этиб қаради домла. — Қазо қилдими?

— ....

— Раҳматига олган бўлсин, — домла афсусланган бўлди. — Эшитмай қопман-а.

Сўнгра туриб ўтириб, кўзларини юмиб: "Аъузу биллаҳи..."

Соддадил домла оят қироат қилар, ёнида ўтирганлар эса кулиб юбормаслик учун лабларини тишлар ва...

Қанийди, отилиб чиқай деб турган кулгини ютиш осон кечса. "Худойим, шарманда қилма!"

— Қани, омин, раҳматига олган бўлсин.

Дугоналар бетоқат қимирлашар, гўё тикан устида ўтиришарди.

— Домла, бизга рухсат, — улар туришди.

— Э, "олов олгани" келганмидинглар? — домла ҳайрон. — Ўтирмайсизларми?

— Бошқа сафар!

Ҳовлиқиб кўчага чиққан олималар қотиб-қотиб кулишарди.

— Нега ундай дединг?

— Мен нима дедим? "Ўлди" демадим-ку?

— Диссертация! Сени деб оила қуришни пайсалга солган илм филойилари камми?

Улардан бири — шу олима қиз!

— Ҳазиллашмай кет. Зўрға ўзимни босдим. Энди нима қиламиз?

— Фотиҳа ўқиганимас, материал йиғамиз деб келдик Тошкентдан. Қайтиб кирамиз.

— Эй қиз, эсинг жойидами? Хайрлашдик-ку? "Куёв бола"нг "кетмай"... узо-оқ яшасин- а!

**Муҳаммад ШОДИЙ**

## УЛУҒЛАР САБОҒИ

### МУАЛЛИМЛАРНИНГ ФАЗЛИ ҲАҚИДА

Фақиҳ Абу Лайс (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: Зайд ибн Аслама отасидан, отаси Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) баъзи саҳобаларидан ривоят қилади: "Пайғамбарлар ва зоҳидлардан сўнг Аллоҳ таолога бандаларининг ичида энг афзали муаллимлардир".

* * *

Иброҳим Нахаъий айтадилар: "Болаларнинг муаллимига осмондаги фариштлар, ердаги ҳайвонлар, ҳаводаги қушлар ва денгиздаги балиқлар истиғфор айтади".

### ШОГИРДЛИК (ТОЛИБЛИК) ОДОБИ ҲАҚИДА

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: Эшитувчи (ўқувчи, талаба) музаккирга (илмларни зикр этувчи, ўқитувчига) юзланиб ўтириши, уни тўғри қалб билан тинглаши ва (дарс пайтида) бошқа бирор нарса билан шуғулланмаслиги лозим.

### БЎЛАЖАК УСТОЗ-МУРАББИЙЛАРГА

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: Музаккирда бўлиши шарт энг биринчи хислат солиҳликдир, чунки солиҳ бўлмаса, ақлли кишилар ундан қочиб, фақат нодонлар эргашади. Шундан кейин олам фасод бўлади. Солиҳ бўлмаса, сўзи қалбларга фойда бермайди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) айтадилар: Қавм (аудитория) сендан илмни қабул қилиш учун юзланганида гапир".

Зуҳрий ривоят қиладилар: "Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам): "Қалбларга бир соат-бир соат дам беринглар" деб айтдилар.

Музаккир (илмни зикр этувчи, ўқитувчи) мулойим, тавозеъли бўлиши, мутакаббир, дағал, қўпол бўлмаслиги лозим. Чунки тавозеъ ва мулойимлик "Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ахлоқларидир.

Музаккир гапираётганда бир кишига эмас, оммага юзланиши лозим. Ҳабиб ибн Абу Собит айтадиларки, "Гапираётганда бир кишига юзланмасдан, бутун жамоага қараб гапириш суннатдир".

Музаккирнинг тамаъгир бўлиши асло мумкин эмас. Чунки тамаъ инсоннинг обрўсини туширади, юзининг ва илмининг қадрини кетказади.

**"Бўстонул-орифийн"дан**

# Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси жамоаси



Барча устозларни касб байрами —
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан
чин дилдан муборакбод этади.
Ватанимизнинг буюк келажагини
яратувчи авлодларни тарбиялашдек
ўта масъулиятли, шу билан бирга
шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

Халқимиз Сиз меҳрибон, фидойи устозларни "отадек улуғ" деб эъзозлайди.
Ана шундай ҳурмат, эъзоз, эҳтиромга ҳамиша сазовор бўлиб, эл ардоғида юришингизни тилаб қоламиз!




Reklama

# AGROBANK

**Азиз устозларимизни 1 – октябр "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" билан самимий муборакбод этамиз. Барчангизга тинчлик-тотувлик, оилавий бахт ва хотиржамлик тилаган ҳолда қуйидаги банк хизмат турини таклиф этамиз:**




**Картадан картага тўлов**

**Кредитларни сўндириш**

**Бошқа барча тўловлар**

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

ASAKA BANK

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

## «Асака» банк

**2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**«МАНФААТЛИ-2017»**

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*



Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.**

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2650 Буюртма — V-113 1 2 3 4 5

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91

**Топшириш вақти** — 20:00 **Топширилди** — 18:00

ISSN 2010-7528

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*

**Навбатчи:** Шолазиз Шохидоев

**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**

Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**